

ДШКЕНТ ХАЖИЖАТИ

№ 35 (10.612).

1994 йил

18 май

Чоршанба

Сотувда
эркин нархда

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ПРЕЗИДЕНТ ЯПОНИЯГА ЖУНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 16 май кунини расмий ташриф билан Японияга жўнаб кетди.

Исом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Япониянинг жаҳон ҳамжамиятига тўғри юрак ёни, тараққиёт йўлидаги исмиқбол одимлари, ушбу оқис кунчиқар юрт билан мамлакатимиз ўртасида боғланган дўстлик ришталарининг узоқ тарихи хусусида сўзлади. Иккинчи жаҳон уруши келтирган хонавайронлик, табиий бойликлар тақчиллиги, ҳомае тақчиллиги сингари бир қанча тўсиқларга қарамай, ҳайратланарли даражада иқтисодий кўдратга эришган мамлакат билан яқин ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш, унинг юксак технологияси ва сармоясидан ўзаро манфаатли асосда унумли фойдаланиш иқтисодий муштақиллик ва фаровонлик сари бораётган республикамиз учун фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидлади.

— Қолаверса, ўз миллий валютасига ўтмиш

арфасида туран мамлакатимиз ички бозорини тўлдирши учун зарур рақобатлов маҳсулотлар васти хам Япониядир, — деди юртбошимиз пировардида. — Сафардан асосий мақсадиимиз Ўзбекистоннинг кенг имкониятларини японларга тушунтириш, банк, сармоя эгалари, ишбилармонлар, йирик фирма ва компаниялар учун юртимизга йўл очиб бериш ва шу орқали ички ўртадаги иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришдан иборат.

Аэропортда мамлакатимиз Президентини республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Мавлон Умурзоқов, Хайрулла Жўраев, Олий Кенгаши Раиси ўринбосари Борис Бугров, Тошкент шаҳри ҳокими Абдухамид Фозилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатиувчилар орасида Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Кодзи Кино ҳам бор эди.

ТОКИО, 16 май. РТА-ТАСС ва ЎЗА мухбирлари хабар берадилар: Бугун Ўзбекистон Президентини Исом Каримов ўзининг биринчи расмий амалий ташрифи билан Японияга келди. Токионинг Ўзбекистон Республикаси ва Япониянинг давлат байроқлари билан безатилган "Ханэда" аэропортини оқий мартабали меҳмон шарофига фахрий қорғовчи саф тортиди. Тантанали кутиб олиш маросими тугаганидан сўнг Исом Каримов рафиқаси билан ўзлари учун ажратилган боргоҳга йўл олди.

19 майгача давом этадиган ташриф мобайнида Исом Каримов Япониянинг Бош вазири Цутому Хата билан музокаралар олиб

боради, император Акихито томонидан қабул қилинади, ишбилармон доираларнинг вакиллари билан учрашади. Тошкент ва Токио ўртасида биринчи навбатида иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига пойдевор қўйиши лозим бўлган сафар яқинлари бўйича бираландидаги ҳужжатлар имзоланади. Исом Каримовнинг ташрифи Япониянинг қадимий пойтахти Киото шаҳрида яқунланади. Бу шаҳар ўтмиш ва келажак ўзаро алоқадорлигининг рами бўлиб қалади. Чунки Европалар Марказий Осиё орқали ўтмиш узоқ Шарққача бораган буюк йўлнинг сўнги манзили мана шу шаҳар бўлган.

(ЎЗА)

• Бўка туманининг 50 йиллиги

“Азиз дўстлар!

Сизларни Бўка тумани ташкил этилганининг 50 йиллиги билан самний табриклайман...

Ўйлайманки, буяндан кейин ҳам сизлар мамлакатимизнинг иқтисодий-маънавий тараққиётига, унинг буюк давлатлар сафидан муштақкам ўрни эгаллаштига муносиб улуш қўшасизлар“.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. КАРИМОВнинг Бўка меҳнатқолларига йўллаган табригидан.

• Вилоят ҳокимлигида • ҚУТЛАЙМИЗ!

Кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнати, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги учун ҳамда Бўка тумани ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан Тошкент вилояти ҳокими М. Икромовнинг 1994 йил 13 майдаги қарори асосида қуйидагилар вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиги билан тадбирландилар:

АБДУЛЛАЕВ Ҳаснулла — “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалиги бригадари.

ОДИЛОВ Ҳожийбой — “Равот” жамоа ҳўжалиги меҳнат фахрийси.

АДИТАЕВА Райҳона — туман агросаноат банки бошқарувчисининг муовини.

АБДУРАҲМОНОВ Анвар — Бўка автобус-таксомотор корхонаси автобус ҳайдовчиси.

АҲМЕДОВ Маматкул — “Равот” қишлоқ фуқаролар йиғинининг котиби.

АҲМЕДОВА Моҳира — С. Айний номли 25-ўрта мактаб ўқитувчиси.

БИНОВ Павел Федорович — туман чорвачилик техник сервиси экскаваторчиси.

БЕРДИЕРОВ Абдушуккур — “Туркистон” жамоа ҳўжалиги бригадари.

ВАЛИЖОНОВ Шарифжон — “Дўстлик” деҳқон (фермер) ҳўжалиги раиси.

ДУҲТОВЕВ Маҳам — Т. Ражабов номли жамоа ҳўжалиги аъзоси.

ЖОЛДАСОВ Омонбой — “Паркент” жамоа ҳўжалиги меҳнат фахрийси.

ЖУРАЕВА Тоҳиёна — Бўка шаҳар матлубот жамияти соғувчиси.

КАМОЛОВ Мардон — Улурбек номли жамоа ҳўжалиги тракторчиси.

ҚУРБОНОВ Норча — “Баҳмал” жамоа ҳўжалиги бош муҳандиси.

МИРЗАЖОНОВ Гафрат Маҳмудович — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ходими.

МУБОРАКОВ Маҳмуд — Б. Умаров номли жамоа ҳўжалиги сувчиси.

ОРИҚБОВЕВ Қодир — “Хўжақўрғон” жамоа ҳўжалиги тракторчиси.

ОНОРҚУЛОВ Қўшмурод — туман сув ҳўжалиги корхонаси меҳнат фахрийси.

ПАРАМОНОВ Алексей Николаевич — туман фахрийлар кенгаши аъзоси.

РАҲМАТУЛЛАЕВ Маҳамат — “Дўстлик” жамоа ҳўжалиги аъзоси.

РИСКУЛОВА Юлдуз — Д. Ҳожиев номли тикувчилик фабрикасининг тикувчиси.

САТТОВА Тоҳи — Ғ. Азаматов номли жамоа ҳўжалигининг сут соғувчиси.

САЙДАРИМОВ Эркин — туман газетаси бўлим мудири.

СУЛТОНОВ Емалон — механизациялашган кўча қуриш коллонаси бошлиғи.

СУЛТАЕВ Гафрат Абдукаримович — туманлараро босмахона ишчиси.

СУЛТОНОВ Рустам — туман ички ишлар бўлими нинг милиция майори.

ТУЙМЕНОВ Алшбек — “Бўка” жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи.

ХУДОЕВОВ Эркин — Ҳожиметов номли жамоа ҳўжалиги механик-ҳайдовчиси.

ХАЗРАТОВ Аҳмад — “Гулистон” жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи.

ХАЛИЛОВ Пардоз — туман молчи бўлимининг мудири.

ХУДОЙҚУЛОВ Шўҳрат — Бўка шаҳар ном комбинати бош муҳандиси.

ХОЛИҚОВ Амрхон — Бўка қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш техникумининг ўқитувчиси.

ХУСАНОВ Эсонбой — туман кўрлар жамияти аъзоси.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Йўлчи — туман электрлаштириш тармоқлари корхонасининг электр монтери.

ШОДМОНОВ Алшой — С. Саймоқов номли жамоа ҳўжалигининг механик-ҳайдовчиси.



Суратларда: Туман марказининг бугунги кўриши. Бўкадаги пахта тозалаш заводига 600 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона йилга 30 миң тоннагача тола ишлаб чиқариш қувватига эга.

А. ЗУФАРОВ
олган суратлар.

(ЎЗА).

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲҚАМ БЎЛСА

Вилоят ҳокимлигини таъкидлашча, жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида қурилган чора-тадбирлар туфайли умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига қараганда 42,5 фоиз еки 1629 тага, шунингдек оғир турлари 23,3 фоизга еки 309 тага камайди. Жумладан, қасдан одам ўлдирш, оғир тан жароҳати етказиш, ўзгалар мулкнинг ўғирлаш, талончилик, босқинчилик, безорилик ва бошқа жиноят турлари ҳам бир қадар камайди.

Об-ҳаво нуқолай келиб, яшаш учун хавфли жойлардан аҳолини қўчириш ҳам фуқаро муҳофазаси ходимлари, харбий қисмлар билан биргаликда шаҳар, туман ички ишлар бўлимлариданга 426 ходим, вилоят ички ишлар бошқармасидан 85 ходим, шу жумладан ДАН бошқармасидан 55 ходим фаолият кўрсатдилар. Ўтган йилги шайхон қасбини танқидга учратган Қўнчиқорлик, Чиноз ички ишлар бўлими бошлиқлари ўз вазифаларидан озод қилинди. Янгийўл ва Охангарон шаҳарлари ички ишлар бўлими бошлиқлари А. Қосимов, Ю.Хусанов билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ишларини анча яхшиладилар.

Масалан, ўтган тўрт ой давомида Янгийўл шаҳрида жиноятчиликнинг умумий сони 49,2 фоизга камайди, худди шунингдек, Охангарон шаҳри милицияси ҳам тартиб-интизомни сақлашда, жиноятчи тезлик билан қош этишда яхши ишлар қилишди.

Аммо бундай ижобий ишларни вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларига хос деб бўлмайди. Ҳозирги вақтда жамоатчилик уюмлари, меҳнат жамоалари, кўнгилли халқ дружиначиликларининг фаолияти кўп жойларда умуман тўхтаб қолган. Ҳокимликлар, қорхона, ташиқлов, муассаса раҳбарлари бу муҳим масалалга эътиборсизлик билан қараётганини туфайли айрим шаҳар, туманларда, хусусан, Янгийўл шаҳри, Окқўрғон ва Янгийўл туманларида жиноятлар ўсиши кузатилмади.

Вилоят бўйича жиноятларнинг ўз вақтида очини анча яхшиланди, ва 68,3 фоизни ташкил этди. (Ўтган йили шу даврга 59,9 фоиз эди). Бу борада Чирчиқ, Ўртачирчиқ ва Пискент туманларида яхши бўлади. Лекин айрим шаҳар ва туманларда бу кўрсаткич вилоят даражасидан ҳам кам. Бу Қиррай (47,1 фоиз), Тошкент (53,6 фоиз), Юрчиқчилик (48,7 фоиз).

Шундан сўнг маърузачи яна бир қатор муҳим масалалар, муаммолар хусусида тўхтади, ишчи яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Шундан сўнг маъруза юзасидан сўзга чиққан — вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи О. Жаллолов, вилоят суди раиси У. Қурбонов, Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи А. Алиев, Окқўрғон туман ички ишлар бўлими бошлиғи Э. Абдуллаев, Чирчиқ шаҳри прокурори вазифасини бажарувчи О. Мармур, Тошкент тумани ҳокими Р. Акбаров, вилоят прокурори А. Манноновлар ҳам ҳукукий-демократик давлат пойдевори қурилатган бугунги кунда ҳуқуқшунослар, милиция ва прокуратура ходимлари олдидан масъулиятни вазифалар ҳақида сўзладилар.

Илгиллаша вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Рўзиев олиб борди ва яқулади.

З. ЖУРАЕВА.

САМИМИЙ СУҲБАТЛАР, ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Токио, 17 май. РТА-ТАСС ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади: Ўзбекистон Республикаси Президентини Исом Каримовнинг Японияга расмий амалий ташрифи давом этмоқда. Бугунги кун ҳам қизикарли учрашувларга бой бўлди. Исом Каримов ва Япония Бош вазири Цутому Хата икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ҳақидаги кўшама Баёнотни имзолادилар. Унда Ўзбекистон ва Япония БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ер юзидан тинчлик ва таъминликни таъминлаш, минтақавий инсонларни бартафаз этиш йўлида баҳамлиқ ҳаракат қилишни ўз зиммаларига олишлари таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан иккала томон ҳам манфаатдор эканлиги қайд этилган.

Исом Каримов имзоланган ҳужжатни ўзаро ҳамкорликнинг бошланғич дубо этади. Япония Бош вазири Цутому Хата эса қадим буюк йўл билан боғланган ички мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиши ва муштақамланганига умид билдириди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Япония музокаралари бўлиб ўтди. Шу кунини Ўзбекистон Президентини Япониянинг бир қанча йирик фирма ва банклар раҳбарларини қабул қилди, журналистлар билан учрашди.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш учун зарур бўлган сиёсий барқарорликка қатъий эътибор берилди. Эндиликда ҳамкорлик амалиёти босқичга кирмоқда. Бугунги кунда Япония ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда, мамлакатнинг йирик хусусий компаниялари республикамиз бозорини ўзлаштиришга қадам қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Президентини Японияда Ўзбекистон ҳақидаги тасавурлар етарли эмаслигини қайд этди. Жумладан, республикада хоржий компаниялар фаолияти учун яратилган шароитлар, бу йўналишда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари Японияда хали кўнгилликка эълан қилинган. “Вақолатин, бизда хоржий сармоядорлар учун барча шароитлар яратилган” — деди Исом Каримов.

синчковлик билан ўргандилар. Иқтисодий муносабатлар раванки учун зарур бўлган сиёсий барқарорликка қатъий эътибор берилди. Эндиликда ҳамкорлик амалиёти босқичга кирмоқда. Бугунги кунда Япония ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда, мамлакатнинг йирик хусусий компаниялари республикамиз бозорини ўзлаштиришга қадам қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Президентини Японияда Ўзбекистон ҳақидаги тасавурлар етарли эмаслигини қайд этди. Жумладан, республикада хоржий компаниялар фаолияти учун яратилган шароитлар, бу йўналишда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари Японияда хали кўнгилликка эълан қилинган. “Вақолатин, бизда хоржий сармоядорлар учун барча шароитлар яратилган” — деди Исом Каримов.

Исом Каримов имзоланган ҳужжатни ўзаро ҳамкорликнинг бошланғич дубо этади. Япония Бош вазири Цутому Хата эса қадим буюк йўл билан боғланган ички мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиши ва муштақамланганига умид билдириди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Япония музокаралари бўлиб ўтди. Шу кунини Ўзбекистон Президентини Япониянинг бир қанча йирик фирма ва банклар раҳбарларини қабул қилди, журналистлар билан учрашди.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш учун зарур бўлган сиёсий барқарорликка қатъий эътибор берилди. Эндиликда ҳамкорлик амалиёти босқичга кирмоқда. Бугунги кунда Япония ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда, мамлакатнинг йирик хусусий компаниялари республикамиз бозорини ўзлаштиришга қадам қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Президентини Японияда Ўзбекистон ҳақидаги тасавурлар етарли эмаслигини қайд этди. Жумладан, республикада хоржий компаниялар фаолияти учун яратилган шароитлар, бу йўналишда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари Японияда хали кўнгилликка эълан қилинган. “Вақолатин, бизда хоржий сармоядорлар учун барча шароитлар яратилган” — деди Исом Каримов.

Бўша экинларнинг ҳосилдорлиги ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин, — деди маърузачи. — Пахта, картошка, сабазовот ҳосилдорлиги ҳамон паст. Чорвачиликдаги аҳвол эса мураккаблигича қолмоқда. Туманда кўпгина ҳўжаликларида қорамоллар бош сони камайиб бериляпти. Уларни тўлдиршига жиддий эътибор бериляпти. Шу туфайли деди ва сўз топишири қамайиб кетмоқда.

— Деҳқончилик ва чорвачилик, — деди маърузачи, — юзгача келган қийин аҳволдан ҳалос бўлишининг тўғри ва ягона йўли бор — у ҳам бўлса ислухот. Фермаларни дадил хусусийлаштириш керак. Деҳқон ҳўжалиқлари сафи кенгайиши лозим. Агар

директори А.Юсупов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар маърузида айтилган барча масалалар бўйича фикр-мулоҳаза билдирад эканлар. Қўрсатилган камчилик нуқсонларнинг ҳақоний эканлигини эътироф этдилар. Уларни бартафаз этиш юзасидан шу кунларда амалга оширилган ишлар ва ўз режалари билан ўртоқлашдилар. Янги тайинланган ҳокимни қўлаб-қувватлаб унинг раҳбарлигини ушшоқлик билан бир жону, бир тан бўлиб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Туман фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

Шунингдек, вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида ҳам фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда “Уч иккинчи чакирк” Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси ақуларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг сессиядаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Илгиллаша иштирокчилари эътиборларини республикамиз иқтисодий муштанилиги билан боғлиқ масалаларга, хусусан, озёк-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда зарур бўлган саноат молларини кўпайтириш, уларнинг рақобатбардорлигини ошириш, замонавий қайта ишлайдиган қорхоналар яратиш каби муаммоларга қаратдилар. Маърузаларда ҳам, сўзга чиққан ноткиларнинг нутқларида ҳам қорхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, жойларда тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожлантириш, ташаббускорликни ошириш муваффақиятларининг таъминлаши таъкидланди.

Фаоллар йиғилишлари Ангрэн, Бекобод, Охангарон, Олмалик шаҳарлари, Тошкент, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Бекобод, Бўстонлик, Окқўрғон, Охангарон, Қиррай, Қўнчиқорлик, Юрчиқчилик, Зангиота, Чиноз туманларида бўлиб ўтди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илгиллаша вилоят ҳокими маҳкамасининг масъул ходимлари, ҳокимлик бошқарма ва бўлимларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

14 май кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида Қозоғистон Республикаси кунларига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда 23 май кунини Тошкентда Қозоғистон кунлари тантанали сурата очилиди. Унда иштирок этиш учун қарош муволақатга 600 та ички меҳмон келди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблар, аъзадилар ва сепараторлар, олимлар ва ишбилармонлар бор. Тантанали республикамизнинг даврий барча вилоятларида бўлиб ўтди. Қизикарли учрашувлар, концертлар ўтказилди, турки хил кўргазмалар очилиди.

Ташкилий қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорраёв Қозоғистон кунларига тайёргарлик хусусида “ахборот берди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбаев, “Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Б. Қўсмолов, “Тошшаҳарройловчи” раиси Р. Файзуллаев, кўпгина вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вафасининг бажарувчиси Э. Халипов, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазири ўринбосари У. Султонов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозиловлар иштирок этдилар.

Шу билан бирга маърузачи иллари республикада донг таратган аjoyиб ташаббуслар, кўпчилик ибрат олса арийдиган илгор тажрибалар кейинги вақтда унутилиб кетганлиги, бирвақтар машҳур бўлган олмасор ва узумзорлар, сархил мевалар жуда қамайиб кетганлигининг сабабларини кўрсатиб ўтди. Агротехникага ривож этмаслик оқибатида бог-роғлар қуриб, борларнинг ҳам ҳосилдорлиги қамайиб кетганлигини гапирди.

БИР ЖОНУ, БИР ТАН БЎЛИБ ИШЛАЙМИЗ (Янгийўл тумани фаоллари йиғилишидан)

331 миллион сўмликка, 1994 йилнинг биринчи чорайида эса 5 та қорхона 141,1 миллион сўмликка камайтириб юборди. Бой берилган имкониятлар туфайли ўтган йили 118 тонна каноп толеси, 348 тонна пахта толеси ҳам ишлаб чиқарилиди. Қурилгандаги аҳвол ҳам яхши эмас. Уй-жой ва бошқа объектлар қурилиш кўрсаткичлари ҳамон паст. Мен 2-сўв йиғини иштирокини алоҳида мисол қилиб келтирмоқчиман. Республика бюджетидан бу объектга маблағ ажратилган бўлса ҳам, қурилиш ишлари йилдан-йилга қўзилди келяпти. Умуман, ижтимоий соҳадаги барча муаммолар туманда ниҳоятда сустаклилик билан ҳал этилаётганини бугун рўй-рост айтиш керак.

Маърузачи шундан сўнг туманда мактабгача болалар муассасалари ва мактаблар, табиий хизмат аҳолининг қонкурсиз эканлигини чуқур тахлил қилиб берди.

Шу билан бирга маърузачи иллари республикада донг таратган аjoyиб ташаббуслар, кўпчилик ибрат олса арийдиган илгор тажрибалар кейинги вақтда унутилиб кетганлиги, бирвақтар машҳур бўлган олмасор ва узумзорлар, сархил мевалар жуда қамайиб кетганлигининг сабабларини кўрсатиб ўтди. Агротехникага ривож этмаслик оқибатида бог-роғлар қуриб, борларнинг ҳам ҳосилдорлиги қамайиб кетганлигини гапирди.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

14 май кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида Қозоғистон Республикаси кунларига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда 23 май кунини Тошкентда Қозоғистон кунлари тантанали сурата очилиди. Унда иштирок этиш учун қарош муволақатга 600 та ички меҳмон келди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблар, аъзадилар ва сепараторлар, олимлар ва ишбилармонлар бор. Тантанали республикамизнинг даврий барча вилоятларида бўлиб ўтди. Қизикарли учрашувлар, концертлар ўтказилди, турки хил кўргазмалар очилиди.

Ташкилий қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорраёв Қозоғистон кунларига тайёргарлик хусусида “ахборот берди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, маданият ишлари вазири Э. Ҳ

• Таҳририятга келган хатлардан

• Абдуҷамил МАТҚОБУЛОВ туғилган кунга 90 йил тўлди

Чин инсонийлик

МИННАТДОРМИЗ!

Халқимиз азал-азалдан оқибатли халқ. Бунга биз ўз бошимизга қулфат тушганда яна ғувох бўлдиқ. Энг аввало ҳукуматимиз махсус қарор чиқариб, яна такролланиши мумкин бўлган кўчиқларнинг олдини олиш чораларини кўрди. Жойлардаги раҳбарлар тежорлик билан қўрган чоратadbирлар тўғайли кишлоқ аҳли хавфсиз жойларга қўчирилди. Тўғри, уй-жой, мол-мулкларимиз кўчки остида қолди. Лекин жон омон бўлса, соғлиқ бўлса ҳамма нарса топилади. Бундан ташқари беминнат ердамларини аймаётган меҳридаре инсонлардан, жамгармалардан ердам келиб турибди. Охангарон туманидаги Ғўшсой кишлоғимиз аҳолиси ҳукуматимизнинг, раҳбарларимизнинг эътибори, жонқуяриғидан миннатдор.

Ҳеч кимнинг қалбини инсонийлик тўғйгулари тарк этмасин.

Ҳ. МУСУРМОНОВ,
Ғўшсой кишлоғи.

Дунёда ўларнинг беминнат хизматлари билан одамларга яхшилик улашиш пайда юрадиган кишилар кўп экан. Яқинда тақдир бизни ана шундай аҷойиб инсонлар билан учраштирди. Уларнинг олижанобликлари ва дилдан берган кўмаклари тўғайли бутун оиламиз аъзолари билан беҳад қувондик.

Фарзандларимнинг отаси — Неъматжон Турдиқуловнинг бўйинларида бундан ўн беш йил аввал кичкинагина бир шиш пайдо бўлганди. Тўғри, ўшанда биз бу нарса ниманинг аломати эканлигини билмасдан, шиннинг деярли кўрмисиз ва оғриқсиз эканлиги учун у қадар эътибор бермагандик. Шу йилнинг бошида кўтилмаганда у қаттиқ безовта қила бошлади. Зудлик билан туман марказий касалхонаси жарроҳлик бўлими шифокори Озодхон ака Акбаровга муурожаат қилдик. У киши эримни операция қилиш лозимлигини айтди. Қўйилган ташхисни Тахтапуддаги жумҳурят онкология касалхонасининг тажрибали жарроҳи Шоабулдула Алматов ҳам тасдиқлади. Шу операцияни О. Акбаров билан ҳамкорликда амалга оширишга розилик бердик. Оқ халат соҳибларининг тажриба ва заковатлари билан турмуш ўртоғим дарддан буткул фориғ бўлиб, фарзандларим бағрига қайтдилар. Мен ўтил-қизларимнинг қувончларини кўриб, беихтиёр қўлимга қалам олдим ва ушбу миннатдорчилик мактубини битишга жазм этдим.

Хурматли таҳрират ҳодимлари! Рўзномангиз орқали қийин дамларда бизга руҳан далада ва кўмак берган Пискент тумани марказий касалхонаси бош шифокори М. Худойбердиевага, унинг ўринбосари Х. Нуровага, тажрибали жарроҳлар О. Акбаров ва Ш. Алматовларга ҳамда Клара, Мунисхон, София исмли ҳамшираларга оиламиз аъзоларининг ташаккурларини етказиб қўйишингизни илтимос қиламан. Уларнинг ҳар бирларига мустахкам соғлиқ, ишларида ривож тилаб қоламан.

Хурмат билан Мактуба АБДУҚОДИРОВА,
Пискент тумани.

ХАЛҚНИНГ ДАРДИ БИЛАН ЯШАГАН ЭДИ

КЎНГИЛ кўнгилдан сув ичади, дейдилар. Бу ҳақда ўйлаганимда доимо кўз ўнгимда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг аҷойиб ташкилотчилардан бири — иқтидорли раҳбар, кўп йиллар давомида собиқ Оржоникидзе (ҳозирги Қўбрай) туманидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиғига раислик қилган, хўжалигининг доврүнинг узоқ-узоқларга таратган Абдуҷамил ака Матқобулов кўз ўнгимда намсон бўлади.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида камбағал деҳқон оиласида туғилган, икки ешида ота-онасидан етим қолиб, бошлар қўлида хизмат қилиб, ҳаётнинг заҳматиин тортган, ниҳоят, арава ясаш хунарини ўрганиб, уста сифатида халқнинг хожатини чиқариб келган Абдуҷамил раис бўлганида ҳам фақат халқнинг дарди билан яшаган. У Меҳнат Қаҳрамони бўлган, ҳукуматнинг ери неча орден, медаллари билан тақдирланган, фахрий бўлиб олган, Олий Кенгаш халқ ноиб сифатида ҳам қизгин фаолият кўрсатган инсон эди.

Мен қишлоқ хўжалиги ходими эмасман. Шу тўғайли ҳам Абдуҷамил отанинг раислик фаолияти, қолоқ хўжалиқни қандай қилиб илгорлар сағифа олиб чиқгани, қурилиш, ободончилик соҳасида олиб борган беҳеҳ ишлари ҳақида езмақчи эмасман. Қолаверса, Матқобуловнинг салохияти, у қилган, амалга оширган эзгу ишлар ҳақида ўз вақтида матбуотда кўп ва кўп езилган. Унга 1957 йилда Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганида сезимли езуғимиз Абдулла Қаҳҳор «Дўрмон лочини» очеркини чоп этиб, иқтидорли раиснинг таъриф-тавсифини нодир қўйма янглиғ ўз ўрнига қўйиб қўйган. Ундан ўтказиб бир нарса дейиш амри маҳолдир. Мен мусиқашунос бўлганим учун ҳам ота фаолиятининг бошқа бир қирраси — у кишининг маънавий дунеси, санъатта шайдолиги, меҳри ҳақида, ўзим ғувох бўлган воқеалар, ишлар, учрашувлар ҳақида гапирмоқчиман.

Гап шундаки, хўжалиқда деҳқончилик ишлари гурираб, иқтисоди бақувватлашиб, ўз қаддини ростл б олчак, ота маънавиятга ҳам кўпроқ эҳтиҷ сезилар. Шу мақсадда менинг хизматимдан фойдаланмоқчи бўлдилар ва йўқатдилар. У киши билан биринчи бор учрашганимни сира-сира унутмайман. 1959 йилнинг 25 май кунни эди. Эрта билан жамоа хўжалиғи доврүнига отландик. Рухсат сўраб ичкарига, ота хузурига кирдим. Салом бердим. Самимий қаршиладилар. Одоб сажлаб турдим. Узимни таништирдим.

— Жуза соз, — дедилар, — қаерликсиз, қаерда истиқомат қиласиз?..

— Асли андижонликман, — дедим, — ҳозир Ўрда хўдудидagi кўп қаватли уйлardan бирйда яшайман.

— Биродар, — ота вазминлик билан сўз бошладилар, — гап бундай, биз шу кунларда маданият саройи қуришни бошлаб юбордик. Албатта, у биттадан сўнг вақти-вақти билан деҳқонларга бадий хизмат қиладиган хаваскорлар дастаси ҳам бўлиши керак-да. Чекка-чеккада киргойи қилиб юрган, раққоса бўлишини орзу қиладиган деҳқон йилит-қизларимиз ҳам оз эмас. Биз уларнинг бошини бир ерга қовуштирмаймиз. Сизни менга оек-қўли, тўгаракка раҳбарликни ўрнига қўяди, деб айтишганди. Лекин, бир шартим бор. Сиздан олдин ҳам бизда жуда кўп таниқли санъаткорлар ишлаган. Бироқ, улар шаҳардан қатнашганди. Менга бу тахлида иш олиб бориш мақбул эмас. Агар сиз шу ерга қўчиб келиб япасангиз, яхши бўларди. Тайёр уй-жой, томоқа ери ҳам бор. Сизга бераман. Хўш, нима дейсиз?

Дабдурустан жавоб беришни билмай қолдим.

— Мен-ку, розиман, — дедим чинайлаб, — уйдагилар билан ҳам бир маслаҳатлашиб кўрай-чи.

— Жуза яхши, — дедилар ота, — лекин жавоб и эрта-индиндан кечиктирманг...

Уйда кечки овқатдан сўнг суҳбат қизиб кетди. Онам раҳматли «вой», содагина болам-ей, ота жуда ҳиммат қилидилар-ку, дўмингни худо олсин, бир парча ери бўлса ҳам ҳовли-жойта нима етсин», дедилар хурсанд бўлиб. Келин ҳам рози бўлди.

Эртаси кун яна ота хузурда бўлдим. Уйдаги гап и айтдим. «Айниқса, онам қувониб кетдилар. Раис бўлганин мартабалири бундан ҳам зиёда бўлсин, жон-жон деб кўчиб борамиз», дедилар, дедим.

Абдуҷамил ота ўлтирган жойларда бир қўзғалиб қўйдилар. Ёнларида ўтирган истараси иссиққина одамга қараб:

— Тўра, эшитясанми, ҳалиям бўлса хотинларнинг боши ишлайди. Артистларга отар бўлса бўлгани, — деб кулдилар.

Шундай қилиб ҳе йўқ, бе йўқ, мен Дўрмон қишлоғидан ватанли, уйли-жойли бўлдим ва астойд л ишга киришиб кетдим. Дастлаб бир иштроқчи билан машғулот ўтказган бўлсам, уч-тўрт ой ўтган, хаваскорлар тўгаракда созанда: хонанда, раққоса, ҳофизларнинг сони олтимишга яқинлашиб қолди. бу орада еш доирачилар гуруҳи ҳам иш бошлади. Абдуҷамил отанинг шахсан ўзи нима ердам керак бўлса, вақтида бажо қилиб турдилар. Ойлар, йиллар ўтган сари тўгаракимизнинг репертуари бойиб, ранг-баранглашиб, хаваскорларимизнинг тажрибаю маҳоратлари ортб борди. 1961 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Маданият вазирлиғи қарори билан бизнинг тўгаракимизга «Хаваскорлик халқ ашула ва рақс дастаси» фахрий



унвони берилди ва биз Москва сафарига тайергарликни бошлаб юбордик.

1963 йил 24 февраль кун Итиғоқ мўқсисида биринчи марта жамоа хўжалиғи халқ дастаси Кремль театри саҳнасида рақс устаси марҳум Назир Турсунов, ашула раҳбари Жўра Азимовлар билан ҳамкорликда раҳматлик шоир Енгин Мирзо либреттоси асосида тузилган икки бўлимдан иборат «Гулла, яшна республикам» деб номланган беш қисмли театрлаштирилган катта концерт дастурини намойиш этди. Уша пайтда бу жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳазилмас-да, деҳқондан чиққан оддий хаваскорлар Кремль саҳнасида ўз санъатларини намойиш қилишса?! Бунда отанинг санъатта фидойилиғи иш берди. Аҳир сарф-ҳаражат ҳамин қадар эди. 62 кишига концерт кийимлари тиктирилди, бориш-келиш, йўл харажатлари, озик-овқат таъминотини ҳам хўжалиқ ўз зиммасига олган эди. Бу ўша вақтнинг пули билан ҳисоблаганда ярим миллион сўмга етган эди.

Шундай қилиб, тўгаракимиз доврүни бутун дунёга танилди ва биз Москва сафаридан катта таассуротлар билан қайтдик. Сафар давомида кўпгина корхоналар, ташкилотлар, олийгоҳларда, хўжалиқларда концертлар қўйиб бериб, олқишларга сазовор бўлдик. Қаерда бўлмайлик, бизни зўр хурмат ва эҳтиром билан кутишар, учрашувлар жараенида, бир пиела чой устида қизгин суҳбатлар бўларди. Биз уларга ўз хўжалиғимиз, у ерда меҳнат қиладиган фидойи деҳқонларнинг қаҳрамонлиқлари, уларнинг турмуши, ҳаёт тарзи ҳақида хаяжон билан сўзлаб берардик. Албатта, тўгаракимизнинг қандай шаклланганлиғи ва камол топганининг айтишини ҳам унутмасдик: чет элдан юртимизга меҳмон бўлиб келадиган давлат арбоблари, турли соҳалари чет эл жамоат ташкилотларининг

вакиллари, албатта, хўжалиғимизга таширф буюришиб, мухташам маданият саройимизда бизнинг тўгаракимиз томонидан берилдиган концертларини томоша қилмадан кетишмасди. Бизнинг жамоа хўжалиғимизга, жумладан Ҳиндистон республикасидаан Жаҳоҳарлал Неру, Вьетнамдан Хо Ши Мин, Кубадан Фидель Кастро, Миср Араб Республикасидаан Жамол Абдул Носир, Индонезиядан Сукарно, Жазирдан Аҳмад Бин Белла, Эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва бошқалар келиб кетишган...

Биз Москвадан қайтган, шаҳримизнинг театрларида ҳисобот концертларини ҳам қўйиб бердик.

Кўп ўтмай мени Абдуҷамил ота қақириб қолдилар. Эсимда, апрель ойининг иккинчи шаңбаси эди.

— Ҳақим эшон, хушхабар бор, — дедилар хурсанд бўлиб. Мен қандай хушхабар экан, деб тараддулланб қолдим.

— Кеча, мен шахсан Шароф Рашидовнинг имзолари билан хат олдим. Унда жамоа хўжалиғи халқ ашула ва рақс дастаси республикамизнинг кўргазмали халқ дастаси сифатида ўлкамизнинг бошқа вилоят ва қишлоқларида ҳам концертлар бериши зарурлиғи таъкидланган. Ҳозирдан тайергарликни кўравеиринглар, ҳамма имкониятларни яратиб берамиз.

Бу хушхабар мени ниҳоятда ҳаяжонлантирди. Бизга катта ишонч билдирилган эди. Бу ишонч бизни яна ҳам руҳлантирди. Ўз ишимиз, ижодимизга янада масъулият билан ендилашга ундади. Бадий гуруҳимиз ҳар йили июль-август ойларида янжодий сафарда бўлиши анъанаса айланб қолди.

Абдуҷамил отанинг ўта синчоқлиғи, саховати, халқ хизмати йўлидаги тантилиғи одамни ҳайратта солиди. Бир кун қақириб, шундай дедилар: Ҳақим эшон, бухгалтеримиз Али аканинг маълумотига қараганда, сизлар сафар концертлари хисобига хўжалиққа 370 минг сўмдан ортқк даромад келтирибсизлар, минг раҳмат. Аммо бизнинг ниятимиз пул ишлаш эмас, эл-юрт меҳрига мансуб бўлиш. Уларнинг қалбига шундай қилса бўлар экан-ку, деган таассурот қолдириш. Раҳмат, биродар. Энди сафар концертларини бирозга тўхлатинглар, янги концерт дастури тайерлаш устида иш бошланглар...

Абдуҷамил ота ана шундай халқпарвар инсон эди. У эл-юрт манфаати йўлида маблағни аямасди. Жамоатчилик яхши еслава керак, «Пахтакор» футбол гуруҳи танг аҳволга тушиб қолганда у мана шу жамоа хўжалиғи томонидан оталиққа олинган.

Абдуҷамил ота оғир кунларини бошидан кечирган, қалби меҳр-шафқатга тўла, инсонпарварлик, одамийлик ҳислатлари билан камол топган инсон эди. Шу босис ҳам у 1941 — 1945 йиллардаги урушнинг энг оғир кунларида, яъни 1942 йили «Фронтга ердан» қақирғига лаббай деб жавоб бериб, колхозчилар йилнинда фронт учун ўз шахсий жағамасидан 100 минг сўм пул ва бола-чақаларининг тилло тақинчоқларини ҳадя қилган.

Ниҳоят бу аҷойиб инсон 1966 йилги Тошкент эл-элисидаан кейин бошпанасиз қолган юздан ортқк хонадон эгаларига ҳам ер участкаси ажратиб берган эди.

У ана шундай меҳри даре инсон эди. Шу босис унинг хотираси қалбларимизда абдий сақланади. Айни пайтда Дўрмон қишлоқ фуқаролар йилғини, бир неча мактаб ва жамоат ташкилотлари унинг номида.

Раҳматли Абдуҷамил ота ҳаёт бўлганларида ҳозир тўқсон баҳорини қаршилаган бўлар эдилар.

Худо раҳмат қилсин, отахошимизинг!

Ҳақимжон НИШОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, республика аҳамиятига молик шахсий нафақахўр, Дўрмон маҳалла фуқаролар йилғини раиси.

МУРУВВАТ

ҚўЛ БЕРИБ СўРАШИШ ШАРТМИ?

ТОГЛИКЛАР учун бу йилги баҳор анча серташвиш келди. Қорнинг кўп еққанлиғи ер кўчиши, тошқинлар рўй бериши хавфни тўғдирди, одамлар ҳаёти тахлика остида қолди. Республикамиз ҳукуматининг ўз вақтида қўрган шошилич тадбирлари тўғайли бу хавфнинг олди олинди.

Ангрен яқинидаги тоғ дараларида жойлашган Увек, Кўчбулок ва Инкилоб кишлоқларининг аҳолиси ҳам хавфли ҳудудлардан зудлик билан бехатар жойларга қўчирилгани тўғайли зарар анча оз бўлди.

— Юкоридаги кишлоқларда 21 март кун бошланган кўчкилар оқибатида, — дейди Увек кишлоқ фуқаролар йилғини раиси Абдижаббор Турматов, — аҳоли кўпгина мол-мулки, уй-жойларидан маҳрум бўлди. Кейинги кунларда бўлган кучли ел сойларни тошириб юборди, аммо ҳеч ким жабр кўрмади. Кўчки жабрдийдаларига ҳамма зарур ердан кўрсатилди. Увек, Кўчбулок ва Инкилоб кишлоқларидан кўчириб келинганлар Гулбоғ кишлоғи хонадонлари, бу ердаги мактаб биносида яшай бошлашди. Уларга шу қишлоқ яқиндан ўзларига янги уй-жой қуриб олишлари учун оила бошига 12 сотихдан ер участкаси ажратиб берилди. Уларга пул ва қурилиш материаллари билан ердан кўрсатиляпти.

Ҳа, Гулбоғ кишлоғи яқинида янги аҳоли манзилгоҳлари бунед топяпти. Кўп ўтмай бу ерларда замонавий кўркем кишлоқлар қад кўтарари. Шу-нинг учун ҳам кишлоқ фуқаролар йилғини фаоллари уларни ичимлик сув, электр қувавати билан таъминлашни йўлга қўйиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар, жабр кўрган тогликларга саховат ва мурувват кўрсатмоқдалар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Саломлашиш, албатта, самимилик, яқинлик, кадр-киммат, меҳр-оқибат раами саналади. Лекин уни сунистеъмол қилиш, ортқка сертавозе, сертакаллуфлик кишига эриш туйилади. Масалан, дастурхон атрофида 20-25 киши ўтирибди. Фотиҳага қўллар ҳам очилган. Меҳмонхонага яна бир киши кириб келди. Аввал ўнг томондаги кишиларга, сўнг чап томондаги танишига қўл берди: — Ноқулай, — деди у. — Ёнвердигилар билан сўрашмасам, кўнглим ўрнига тушмайди. Шу тарзда дастурхон атрофини айлиниб, қўл бериб, сўрашиб чиқди.

Буни ҳар ким ўзича талқин этади. Кимдир енидаги ноини ушатиб ўтирганларга узатади, яна кимдир ҳеч ким сезмасин дея секингина хонтахта тағидан сочикча қўлини артди. Зум ўтмай яна бир меҳмон уэр сўраб кириб келди. Яна шу манзара. Кўча-кўйда, маҳаллада бош эғиб сўрашиб ўтадиган танишлар мартабанигиз сал юқориласа енингизга келиб қўл бериб, кучоқ очиб сўрашибди. Бунинг учун ўзлари хижолат тортишмайди ҳам.

Оддий саломлашишдан дўстиқ, қадронлик, қариндошчилик иллари боғланади. Шундай экан, самимиий саломлашишга нима етсин!

М. СУЛАЙМОНОВ.

АВВАЛО ХАВФСИЗЛИКНИ ЎЙЛАНГ

«Чор-су» бозори Тошкент шахрининг энг гавжум жойларидан бири, десак хато қилмаймиз. Бу ерга қунига савдо-сотик учун, хизмат юзасидан ва томоша қилишга минглаб кишилар келиб кетадилар. Улар орасида айниқса Тошкент вилояти фуқароларини кўплаб учратиш мумкин.

Яқинда характер ҳавфсизлигини таъминлаш мақсатида «Чор-су» меҳмонхонаси қаршида кузатув ўтказдик. Бир маҳал ўрта ешлардаги аёл боласини етаклаб Беруний кўчасини кесиб ўта бошлади. Йўл ўртасига келганда автоматчиларнинг серкатновлиғидан саросимага тушиб қолди. Бўлима нозири Эргаш Бойназаров ўз вақтида ердан бермаганда аёл ва боланинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин эди. Тошкент туманидаги «Тўлабий» жамоа хўжалиғида истиқомат қилувчи бу аёлдан: Нега ер ости йўлидан ўтмадингиз деб сўраганимизда у — зиналардан пастта тушиб-чиқишга қийналаман. Осонроқ деб ўтаётган эдим, — деб жавоб қилди.

Ана ҳоло! Зиналардан тушиб-чиқишдан қийналиш йўлдаги бахтсиз ҳодиса оқибатидаги тан жароҳати оғриқларидан кўра енгилмикан? Бизни ташвишлантираётган нарса аелининг қоида бузилиғига бўлмай, балки қўлида етаклаб олган еш боланинг ҳам тарбиясига салбий таъсир ўтказишидир. Аҳир у онаси бошлаб бораётган жойдан ўтиш мумкин эмаслигини билмайди. Аксинча унда йўлнинг дуч келган қисмидан кесиб ўтиш мумкин деган фикр уйғонади.

Транспорт воситаларининг сони ва тури ортб бораётган бир пайтда ҳайдовчилар билан бир каторда пиедаларнинг ҳам йўл ҳаракати қондаларига бўйсуншлари ва унга амал қилишлари шарт. Қўчаларда юришда белгиланган қоидага риоя этишингиз ҳавфсизлигингиз гаровиридир.

Исроил САЙДИКАРИМОВ.
Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими ДАН бўлинимаси нозири.

Маҳалламиз аҳолиси иноқ, шунинг учун қилинадиган ишлар кўп бўлгани билан ишлаш осон. Айниқса фахрийларимиз маслаҳатларини ҳам, меҳнатларини ҳам аямайдилар.

Ҳақиқатан ҳам фахрийлар кенгаши раиси Мирзаҳамдам Қурбонов, фаоллар Миркомил Ғиссов, Мажидхон Шокиров, Нуриллахон Букаев, Арслонбой Қаршиев, Қўчқор Турсунқулов, Хўрматой Қурбонова, Ойнаса Топилова ва яна бир қанча ҳамкишлоқлар биргаликда маҳалла аҳлининг тинчлиғи, соғломлиғи, кўчаларнинг покизалиғига катта аҳамият беришар экан. Қабристон йўлини асфальтлаш, шифохона, мактаб, боғчаларга иссиқ сув келтиришда, тўй-хашамларнинг ичхам ва чиройли ўтишида ҳам уларнинг хизматлари катта. Шу маҳаллада истиқомат қиладиган А.Жўраев ўз маблағидан қабристон енига масжид қурдирапти. Буларнинг ҳаммасига фахрийлар бош-қош.

— Наврўз байрами ўтказилганда, — Мирзаҳамдам ота Қурбонов салмоқлини сўз бошлади, — 29 маҳалла ичмда Облик маҳалламиз биринчиликни олди. Мана шу боғимизда сайл қуришдан мақсад шаҳид кетган ҳамкишлоқлар руҳини ед эшиттирди.

«1943 йил» деб езиб қўйлибди. Суратдаги қорачадан келган озгир бу йилгитини кўзларида мунг, алам. Ҳали ота-она дидорига тўймай Ватан ҳимоятга отланган йилит. Мана бу суратларда қуролдош дўстлари билан туштилган, булар тинч ҳаёт даври. Урушдан омон қолган полкшоҳар билан галаба кунни тушилган суратлар...

Бутун ота етмиш ешга тўлдилар. Ендарида суюқли ер, меҳридон фарзанду, ширин-шакар набиралар, елкадош дўстлар. Тинч замони кўриш бахтига муассар бўлганларидан шукроналар билдирдилар.

Лекин улар қўнгила бир армон: қанчадан-қанча қуролдошлари бу кунларга етмай ҳаётдан кўз юмдилар. Шунинг учун ҳам ҳар гал юзларига фотиҳа тортганларида улар руҳини ед етдилар...

Облик — Ангрениннг қадим қишлоқларидан бири... Шу қишлоқдан чиққан қаҳрамонлар дареннинг бери томчиси. Лекин шулар қўшилиб ирмоқларга, дареларга айланб катта куч бўлдилар ва Галабани яқинлаштирдилар.

Инсон... қанчалар бардошли, қудратли ва иродалисан.

М.ОБИДОВА.
Суратда: (чапдан ўнга) фахрийлар Рағиқ Латипов, Мирзаҳамдам Қурбонов, Мажидхон Шокиров.



• Сурат 1946 йил олинган.

• Лавҳа

ШУКРОНАЛИК



Т. ШЕРАЛИЕВ.

Инсон... қанчалар буюқ меҳнатқаш, яратувчисан. Ангрен шаҳри томон йўл оларқанман, хаелимдан беихтиёр шу сўзлар ўтди. Кўп қаватли бинолар, заводлар, мактаб, бозор расталари тугаб, икки томони кўм-кўк кўкаламзор боғлар кўринди. Узоқдан тоғлар қад ростлаб турибди. Йўл чеккасида қатор қилиб экилган тебраклар шабадала тебраниб, гўе бир-бирига шивирлашаётгандек. Кенг далаларга чигит, беда экилган. Ернинг ҳар қарчи қадли экани бир карагандаек шундоққина сезилиб, туради. Табият манзарасига маҳние бўлиб манзилга етиб келганимни ҳам сезмабман.

Облик — Ангрениннг энг кекса кишлоқларидан бири. Одамлари меҳнатсевар, билимдон. 520 ўринли боғча, 1160 ўринли мактаб, тўртта дўкон, поликлиника хизмат кўрсатмоқда.

— Яқинда маҳалла боғи ташкил этилиб, уруш қатнашчиларига атаб едгорлик ўрнатилади, — деди маҳалла раиси Уринбой Муталимов. — Облик қишлоғидан беш юздан ортқк йилит Ватан ҳимоятсига бориб, шундан икки юз киши қайтиб келмади. Едгорликни қуришдан мақсад шаҳид кетган ҳамкишлоқлар руҳини ед эшиттирди.

парвариш қилиб ўстирган гуларини кўрганларнинг баҳридиги очилди. Мана шундай йилларда қуролдош дўстларини еслаб кетаман. Хандақларда ойнаҳор қолганларимизда яхши кунлар келишига ишонч билан яшардик...

Суроғли уруш йиллари... Инсон бардошини синагандаек... Облик қишлоғидан ҳар қақирилганда йилгирма-йилгирма икки нафар йилит урушга кетиб, шулардан ўн-ўн ертасигина қайтган.

Қайташлардан ҳам бирининг еғи, бирининг қўли яраланган. Мирзаҳамдам ота Қурбонов эса бир кўзидан айрилган. Лекин у тшқунликка тушмади. Мактабда ўқитувчилик, директорлик қилди. Ҳозирда ўн фарзандни тарбиялаб, неваралари кучоғида.

Бундай серфарзанд, ували-жували, тинч ойлалар қишлоққа кўнжлиқ экан. «Қариси бор уйнинг париси бор» дегаларидек хонадонларга фазз киритаётган отахон ва онахонлар ҳаёт йўллари билан фарзандларга ўрнақ бўлишмоқда.

Мана, биз Мажидхон ота Шокиров оиласидамиз. Ҳовлига киришимиз биланоқ гулзорга кириб қолгандек бўлдик. Турфа ранг, турфа хил гуллар...

— Паст томон ташлицдик ерлар

эди. — Мажидхон ота йўл бошлар экан сўзиде давом етдилар. — Уч хонадон зовурларни беркитиб ер ҳайдаб майдон қилдик. Мана ҳозир ҳамма нарса екканми. Меҳнатимиз зое кетмапти. Бозор тушмаймиз, ҳаммаси ўзимиздан чиқиди.

— Қани, дастурхонга қаранглар, — уй бекаси Мажидхон отанинг сўзларини тасдиқладилар.

— Бу ноз-неъматлар ўз ҳовлимизда етиштирилган, меҳнатимиз маҳсули. Шаҳару уни сотиб оламиз, холос.

Ҳамма дастурхон атрофига ўтирди. Кичик набиралари, Ҳамидхон ўрндан туриб қаптарларига, товуқларига дон сочди, қўйларнинг овқатини, сувини бериб, кейин бизнинг альбомни менга узатдилар. Наҳотки шу дшдан милтик тутган бўлангиз дейишди. Кўкрагимдаги орден ва медалларини кўрган набираларимнинг ҳаваси келди. Эҳ-ҳе, булар қанча машаққатлару, қанча қурбонлар эвазига келган...

Қўлимда Мажидхон ота Шокировнинг сурати, Орқасида

НАВҚИРОН БЎҚАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

ФИДОЙИЛАР БУНЁД ЭТИШГАН

Раҳмон САИДОВ, туман ҳокимининг биринчи муовини

БУГУН биз учун катта байрам. Яхши кунларда ўтмиш едагу ҳаётини, деганлари рост экан. Мазкур таънага ҳазирлик кўриш жараёнида ҳокимлик раҳбарлари, масъул ходимлар бир қатор жамоа ҳужалиқларида, ташкилотлар, маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан учрашди. Ёшлари 70-80 ни қоралаб қолган оқсоқоллар суҳбатда бўлди. Бундай мулоқотлар чоғида туманимиз ҳақида билган маълумотларимиз янада кўпайди, таассуротларимиз кенгайди.

Учрашувлар пайтида қариялар Бўқанин оёққа туриб олишда ориятли, билгидаги куч-қуввати бўлган, шиддаткор кишилар гайратларини аямай сўз ағаниликларини жўшиб гапириб бердилар. Уш аниқлик, турли йилларда туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаган Ж.Хоназаров, Э.Шайхон, Р.Қодиров, М.Эгамбердиев, Т.Исмолов, М.Икромов, Э.Шамуродов, У.Усмоинов, Х.Пирнафасов, А.Мўминов, А.Абдужабборов, Қ.Элчибоевлар номини меҳр билан тилга олдилар. Уш даврида бу заҳматқил инсонлар туман раўнақи йўлида салмоқли ишлар қилганиларини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Бўқа тумани ташкил этилгандан бун ўтган вақт унчалик кўп эмас. Лекин, шу муддат мобайнида унинг ўзига хос тарихи шаклланди. Яқам-дуқам, пастиқам, қўғимси уйлардан иборат ноҳрига кишлоқлар, етда тизза бўйи тупроқли, кишда лой, арваа сипар-сипмас йўллари, тўқайзорлар, шўр босиб кетган майдонлар, папа-партиш очилган ариқлар туман ташкил топган дастлабки йиллар манзарасига хос белгилар эди. Уш пайтларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 8-9 центнердан ошмасди. Эндиликда 92 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган, 22 та жамоа ҳўжалиғи мавжуд бўлган бу туман кишлоқларининг, Бўқа шахрининг қиёфаси ўзгача. Шу йиллар мобайнида пахта ҳосилдорлиги ўртача 25 центнерданга кўтарилди. Мевадорлик, боғдорчилик, галлалчилик, шолikorлик йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

Туманимиз ярим аср ичида босиб ўтган йўл — та ҳосилдорлигини ошириш учун кураш, «ўкорон», «Тижигеи» воҳаларини шўрдан, тўқайзорлардан ҳоли этиб, экин майдонларига айлантириш, Бўқанд Тошкентга, бошқа шаҳарларга катта равон йўللари очиб, сув иншоотлари барпо этиш каби йирик муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқлигини қайд қилиш ўринлидир.

Бугунги кунда Бўқа 36 минг гектарга яқин экин майдони бўлган йирик туман ҳисобланади. Жамоа ҳўжалиқлари ҳар йили давлатга пахта, шоли, дон, галла, сабзавот етиштириб бermoқдалар. Чорвачилик соҳасида ҳам ўзгаришлар томон оидимлай бошладик. Утган йили қийин шароитларга қарамай, Саймоқов номи, «Тулистон», «Бўстон», «Туркистон», Бўқа жамоа ҳўжалиқлари пахта топишириш бўйича йиллик режаларини ошириб адо этидилар. Азаматов, Ҳажиметов номи жамоа ҳўжалиқларида ҳам кўп соҳалар бўйича режалар муваффақиятли ажуланди.

Кейинги йиллар ичида санавот корхоналари ишида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Пахта заводи, таъмирлаш корхонаси ва босмаҳонада сўрват ўсиди. Туманимиз маданий қиёфаси ўзгача гус олди. Бош майдон тезарағидеги Маданият саройи, универсал мағазин, рестороан, маъмурий бинолар мажмуи, жангчилар учун ўрнатилган ёдгорлик, автостанция, Бахт ўйи, «Мингчинон» боғи марказ чиройига чирой қўшди. Кишлоқларда клублар қурилди. Шифохоналар, 50 та мактаб, 56 та боғча, ҳўнар-техника билим юрти, механизациялаш техникумуи, кутубхоналар, машиин хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли диваматида. Бу жойларда ўтказилаётган маданий тадбирлар маъмурий аяшланди. Фахрийлар таваллудларини нишонлаш, ноҳор оналарнинг фарзандларини етим болалар тўларини ўтказиш айнанага айланиб қолди. Худудимиздаги вилоят болалар ўйи ҳар томонлама

ғамхўрлик билан қамраб олинган. Президентимиз фармонлари ва мустақиллик туғайли шаклланган янгича яшаш тарзи, иқтисодий ислохотлар қўётган талаблар асосида туманда амалга оширилган тадбирлар ҳам анчагина. Барча транспорт воситалари учун йилгига 200 минг аккумулятор бераётган «Узуркакуммаш» қўшма корхонаси, Гаффор Азаматов номи жамоа ҳўжалиғида ойига 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараётган, 120 нафар аелини ишга жалб этган «Акбар» кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Туманда консерва заводи, 500 ишчи ўринли ил йигирув фабрикаси қад кўтармоқда.

Қишлоқ ҳўжалиғида ислохотлар бирмунча жадаллашди. Икки йил ичида Президентимиз фармонлари асосида уй-жой қуриш учун 832 гектар, томорқа участкаси учун 1242 гектар, 121 деҳқон фермер учун эса 3661 гектар ер ажратиб берилди. Биз бугунги кунда фақат ютуқлар ҳақида гапирмасдан, камчиликларимиз мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз керак. Бу кўпроқ чорвачилик, аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлашдаги қийинчиликларда кўзга ташланади. Бу Борада шаҳинимизга республика ҳўкумати, вилоят ҳокимлиғи билдирган низоъта адолатли танқидлардан кейин ишга жиддий киришиди. Кишлоқларни газлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ичимлик суви билан таъминлаш режалари ишлаб чиқилди.

Утган йиллар тарихий солномасига назар солар эканмиз, бу давр инсон қадрияти билан боғлиқ мушкул муаммолардан ҳали бўлмаганилигини кўраимиз.

Гап Гдиян гуруҳи, «пахта иши» билан бошимизга тўхмат тошини ёғдирган кезлардаги бўжалик қатор заҳматқашлар тақдирини ҳақида бормоқда. Бу тўфоннинг совақ чағали ўнлаб бегуноҳ кадрларимизни мусибатли кунларга қўйган эди. Истиклол туғайли ҳақиқат рўёбга чиқди. Кўп йиллар мобайнида жамоа ҳўжалиқлари расилари бўлиб ишлаган А. Қурбонқул, И. Анорбоев, Х. Абдиев, Ж. Аннаевлар адолат тиланган, яна оқланди, бир неча йил раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Ҳозир бу стахонлар пенсияга чиқиб, дам олишмоқда. Жамоа ҳўжалиқлари расилари бўлиб ишлаган Ш. Валижонов «Дўстлик» фермер ҳўжалиғида раис, М. Пулатов «Хўжақўрган» жамоа ҳўжалиғи раиси муовини сифатида обрў-эътибор қозонмоқдалар. Марҳумлар С. Саймоқов, З. Исоков ва бошқалар ҳам еруғ юз билан ҳаётдан кўз юмдилар. Биз бу раҳбарлар ва уларга қисматдош бригадирлар, эвено бошлиқларининг сабр-тоқати, иродаси, эл-юртга садоқати олдида таъзимдими. Ана шундай кишиларнинг жасорати, мардлиғи, меҳнатга, халқига садоқати бўжалиқларини бу йил ҳам янги марраларга руҳлантирмоқда.

Албатта, тўй йилининг меҳнати шунга яраша бўлиши керак. Туманимизда барча жамоа ҳўжалиқлари, санавот корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ходимлари кўтаринки кайфиятда иш бошлашди. 16 минг гектар ерга чигит уруғи ташланган эди. Улар унинг чиқиб, даладарини аяшиллик қоплади. Галла, беда, сабзавот парвариши ҳам маромида олиб боришмоқда. Бошқа зиналарни экиб олишга ҳам жадаллик билан киришидик. Бу йил галпазор 8 минг гектарга етакзилди. Олма, узум боғлари майдонлари кенгайиб, 1110 гектарни ташкил этди. Кўпроқ эътиборимиз чорвачилик борасидаги йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга, фермаларини хусусияшатиришга қаратилмоқда.

Биз бундан бун ҳам куч ва ғайратимизин Президентимиз фармонларини бажаришга, долзарб муаммоларини ҳал эта боришга сарфлайверимиз. Иқтисодий ислохотларини ишчил амалга ошириш, йилини барча соҳаларда муносиб ажулаш бош мақсадимиз бўлиб қолди. Шифохона меҳнатини билан Республикаимиз, вилоят ва туманимиз мақденини оширишга интилаверамиз.



БУГУНГИ Бўқа тумани ҳаётинан лавҳалар. Д. Аҳмад олган суратлар.

Албатта, тўй йилининг меҳнати шунга яраша бўлиши керак. Туманимизда барча жамоа ҳўжалиқлари, санавот корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ходимлари кўтаринки кайфиятда иш бошлашди. 16 минг гектар ерга чигит уруғи ташланган эди. Улар унинг чиқиб, даладарини аяшиллик қоплади. Галла, беда, сабзавот парвариши ҳам маромида олиб боришмоқда. Бошқа зиналарни экиб олишга ҳам жадаллик билан киришидик. Бу йил галпазор 8 минг гектарга етакзилди. Олма, узум боғлари майдонлари кенгайиб, 1110 гектарни ташкил этди. Кўпроқ эътиборимиз чорвачилик борасидаги йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга, фермаларини хусусияшатиришга қаратилмоқда.

Д. Аҳмад олган суратлар.



БУГУНГИ Бўқа тумани ҳаётинан лавҳалар. Д. Аҳмад олган суратлар.

Д. Аҳмад олган суратлар. ***

Маданият

Ҳаваскорлар сони ортиди

СЎНГИ йиллар ичида туман маданий муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар мазмунан бойиди. Маданият саройи, учта кишлоқ маданият уйлари, 12 та клуб аҳолига бир неча йиллардири, хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларга жалб этилган бадий хаваскорлар сони 900 нафардан ошиб кетди. Маданият саройидаги ҳамда клублардаги бадний хаваскорлик тўғараклариға қуй ва кўшикча чин ихлол қўйган ешлар, дала меҳнатқашлари жалб қилинмоқда. Бу маданий даргоҳ қошидаги «Дугоҳ», «Сарбоз» бадий дасталари Бўқа туманидан ташқариди ҳам ўз концерт дастурлари билан эътибор топишган. Яқинда «Дугоҳ» дастаси Қибрай



БУГУНГИ Бўқа тумани ҳаётинан лавҳалар. Д. Аҳмад олган суратлар.

Д. Аҳмад олган суратлар. ***

Маданият

Ҳаваскорлар сони ортиди

СЎНГИ йиллар ичида туман маданий муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар мазмунан бойиди. Маданият саройи, учта кишлоқ маданият уйлари, 12 та клуб аҳолига бир неча йиллардири, хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларга жалб этилган бадий хаваскорлар сони 900 нафардан ошиб кетди. Маданият саройидаги ҳамда клублардаги бадний хаваскорлик тўғараклариға қуй ва кўшикча чин ихлол қўйган ешлар, дала меҳнатқашлари жалб қилинмоқда. Бу маданий даргоҳ қошидаги «Дугоҳ», «Сарбоз» бадий дасталари Бўқа туманидан ташқариди ҳам ўз концерт дастурлари билан эътибор топишган. Яқинда «Дугоҳ» дастаси Қибрай

ОТАСИГА РАҲМАТ!

ЭЛГА қайишадиган раҳбарни одамлар дарров билиб олишади. Чунки, унинг дили билан тили бир бўлади. Далада 40 йилдан ичида кўп раисларни кўрдим. Перенек, Лисенко, Бобожонон, Абдураулов, Меҳнат Қаҳрамонн, Тўхтасин Бобоев, Турсун Каримов, Аҳмад Иномов, Ҳўро Жарқинбоевлар илгари Мичурин номи билан аталган жамоа ҳўжалиғимизни бошқаришган. Уларнинг ҳар бири деҳқон турмушини аяшилса йўлида меҳнат қилиб келишди.

Бундан етти йил аввал бизга Ҳўсар Исмонов раисликка сайлангач, кўпни кўрган деҳқонлар «Отасиға раҳмат, раис деган мана бунақа бўлар экан!» дейдиган бўлишди. Раҳбар ишини ернинг меҳнатив ҳолатини аяшиландан бошлади. Бақриқ, чақирик йўқ. Бировни ранжитиш йўқ, одамларни тўглаб «Биз ҳаммамиз бир оиламиз, қайси оила емон аяғаси келади, бир еқадан бош чиқарасак, рўзгоримизга барака киради, бола чақамизга замин ярағамиз, қишлоғимиз қиёфаси ўзгаради» дея гапирди.

Одамлар ишга шижоат билан киришишди. Раис пахта-билан бирга дон, шоли, сабзавот, полиз экишга ҳам даъват қилди. Икки йил ичида деҳқонлар рўзгориди ўзгариш бўлди. Даромад кўпайгач, йўллар тузатилди. Янги клуб, барча қулайликлари бўлган шифохона қурилди. Беморларга хизмат кўрсатиш учун машина ажратиб қўйилди. Ҳўжалиқда барча соҳалар бўйича режалар ошириб бажарилиши одат тусига кирди.

Тиббиёт

МУНОСИБ ТУҲФА

КАТТА тўй арафасида туман марказий шифохонаси қошида мустақил 60 ўринли туғуруқхона бўлими очилди. Унда она ва бола учун барча шароитлар яратилган. Умуман бу йил туманда она ва бола саломатлиғига эътиборни ҳар қадонгидан ҳам қучайтирилди. Шифохонада фаолият кўрсатаётган соғломлаштириш бўлими, тумандаги 3 та участка шифохонаси, 11 та кишлоқ врачлик амбулаторияси ва бир қатор кундузги шифохоналар ходимлари бу борада сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Эл соғлиғини сақлашни ўзининг чин бурчи деб билган салкам икки минг врач ва ўрта тиббиёт ходимлари беморларга бўлган муносабатда масъулиятларини оширдилар. Дори-дармон танқис бира пайтда муомала маданийтага алоҳида эътибор берилди — дейди марказий шифохона бош шифокори муовини Тўлқин Ғуломов, — барча даволаш муассасаларида шифокор муомала маданийта мавзуда суҳбатлар бўлиб ўтди. Марказий шифохона бўлимининг бошлиқлари Н. Шодмонов, Ҳ. Ваҳобов, М. Эшонова, М.Мирсолиҳова каби нажоткорларнинг бу борадаги фаолияти ешларга ибрат мактаб бўлмоқда.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими муассасалари моддий-техника базаси ҳам анча муштақамланган. Марказий поликлиника замонавий апаратуралар билан таъминланган. 3 та УЗИ аппарати ердамида беморлик таххиси тез аниқлаб олинмоқда. Бундай апаратуралар бошқа шифохоналарда ҳам мавжуд.

Л. ҚОСИМОВА, марказий шифохона бўлими бошлиғи.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбирлари Носир РИХСИЕВ ва Саидвали ҲАСАНОВлар тайёрладилар.

Арсдон УМАРОВ.



ИЙЛАР ўтиши билан умр босқичлари тарихга айланади. Сиз суратда кўриб турган бу кишилар номи Бўқа тумани тарихи зарваракларидан муносиб ўрин олган. Суратчи А. Абалаян 1970 йилда уларни тасвирга тўширар экан, тарих ҳақида ўйламаган бўлиши мумкин. Аммо бугунги кунда унинг ижодий маҳсулотини ўзгача мазмун ва эътибор билан катта аҳамият касб этаетганлиғи шубҳасиз.

Халқ таълими

ҲАМКОРЛИҚДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН

КЕЙИНГИ йиллар мобайнида Бўқа тумани халқ таълимида ҳам маълум даражада ўзгаришлар рўй берди. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, табақалаштирилган тарзда дарс беришни ташкил этиш, илгор талабаларни вилоят, республика олимпиадаларига жалб қилиш борасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, тумандаги 50 та мактабнинг аксариятида фацларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш усули қўлланилмоқда, 3, 5, 8, 34, 48-мактабларда инглиз тилидан худди шу йўсинда дарс берилайтир.

Туман мактабларидаги пухта билимли болаларни рағбатлантириш ҳам эътиборда. Хусусан, бу йил республика олимпиадасида иштирок этган тўрт нафар ўқувчи ҳам

Ф. АЗИМОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходими.

Вилоятимизнинг бошқа худудларидаги каби Бўқа туманида ҳам адабиётни жон-дилдан севган, ўз қобилиятларини бир қатор жанрлар бўйича синаб қўриётган қаламқашлар анчагина. Биз туманимиз ярим асрлик тўйи олдидан улар билан учрашдик. Қуйида бўжалик истеъод эгаларининг ижодидан намуналар ўқийсиз.

РустамҲожи ХУДОЙҚҰЛ ўғли

ҚЎМСАБ КЕЛДИМ, ОНАЖОН!

(Бадиа)

ОНАИЗОРНИ байрам билан қутламоққа шошилиб бораётган биродар, сенга чин дилдан ҳавасим келади. Нақадар бахтли эканингни билармикансан? Олган совғасидан кўнгли тўлмади бораётган азизим, тақдир толедидан бошингга тож кийдирганини англамикансан? Ахир онажонингга совға эмас, кўрган борганингни ўзи буюқ қувонч эмасми? Волидан мухтарамангни бағрингга босишдан, юз-кўзларидан ўпишдан ийманма. Унинг исларига тўйиб-тўйиб қол, дўстим. Чунки, оналар бизлар катта бўлганимиз сари кичрайиб биздан аста-секин йироқлашиб бораверадилар, кейин худди куеш бутгандайин бирдангга умр уфқини сингиб кетадилар, елвориб чопанинг билан ҳеч қачон етолмайсан...

Сизни йўқлаб келдим, онажон, бу ерларга ҳам баҳор келибди. Қабрингни кўм-кўк майсалар қоплабди...

Эсингизда борми, онажон, қайсидаги йили чақалоқ вақтиндаги бир воқеани гапириб: «Далада ишлайдиган еш болали аёлларнинг шийпонда ўз байроғи бўларди. Ошпаз аёл боласи йиллаган онани ишлаётган даласидан ўзига тегишли байроқни кўтариб чақирарди, сенки кўк ранг эди, болам!» — дегандингиз. Айтишингизча, қанчалик узоқда пайқалларда бўлишмасин, оналарнинг бир қузи шийпонда, байроқ томонда бўлар экан. У кўринган ҳамон рангига қараб кимнинг боласи йиллаган бўлса, ўша аёл шийпонга юғуриб кетар экан. Кўк байроқ кунни билан е бир марта кўтарилар е кўтарилма экан. Гоҳо байроқ кўтарилма экан ҳавотирланиб келганингизда шифта тикилганча

Ўзбекистондир

Турк юртига келса баҳор маҳлами жондир, Ўзбек элининг лисони — ажиб забондир.

Болларига боқсанг кўп гулгун ишанган. Меваларини лаззати якто жаҳондир.

Меҳнат бобида асло қолмағай панд еб, Зафар кучмоқ қошида бор, чўғ паҳлавондир.

Кўҳна тарих жабҳасида салмоғи тенгсиз, Наҳот тан олган Темирага бу юрт макондир.

Қадоқ кўлар юмушлари таҳсинга лойиқ, Кўп фидойи меҳнатингдан юрт фаровондир.

Мард бу элининг гурури бор, эътиқоди бор, Шу элимга муҳаббатим олам-жаҳондир.

Шукур Худованди карим берди истиқлол, Халқим руҳи баланд, дил чарогондир.

Куйлаш насиб этди бугун Шайдога мадҳин, Етти иқлимига белгилар хур Ҳузбекистондир.

Аҳмад ШАЙДО, Жамбул номида жамоа ҳўжалиғи бош ҳосилоти.

ТИЛАГИ ОҚ ДЕҲҚОНИМ

Саховати заминда эътиқод — инсон ўзинг Меҳнатсевар хонсор-камтарин инсон ўзинг. Захматқили бардошди жўшган қайноқ, қон ўзинг Жавало еққан ёлғирдан тоқати тоқ деҳқоним.

Офтоб билан суҳбатдош, нурга чанқоқ деҳқоним! Меҳрингни тўкиб ерга умрининг фидо қилдинг. Жазирама чўлларада чаман ибтод қилдинг. Селу дўл бўлган чоғлар пинхона идио қилдинг. Машинақатли юмушдан қўни қадоқ деҳқоним.

Палтасидеги қалби пок, тилаги оқ деҳқоним! Яшил гўзалар узра парванасан уззукун. Неки бўлса далагда ҳамқонасан уззукун. Ҳосил учун ез бўйи хўп енасан уззукун. Ҳар фаслининг сирдоши, йилга кўнок деҳқоним. Вақтасига вафодор, бахти йорпоқ деҳқоним!

Элинг боис доваруинг кўп эллага кетгандир. Жасоратинг, шўратинг Машиққа ҳам етгандир. Уяган «олтин хирмоин» бутландан да ўтгандир. Дорилим кун келди, сизга чароқ деҳқоним. Эл йўлини еритган еруғ чироқ деҳқоним!

Аждодларинг тер тўқкан турконе ер хур бўлди. Апплар авлоди-халқим шодмон — мағрур бўлди. Маддингга ашбор битиб Орифо масрур бўлди. Муствақиллик ер элда кўрғайга тоғ деҳқоним. Бўқдаги қувондан димоғи чоғ деҳқоним!

Огушнинг қаинайга, тонгдан ҳаёт то шоғмага. Арзинга шаҳниниға битсам катта бир достонга Бўкам.

Кекса қалбим тўрида шодликдан илҳом жўш уриб, Езди тўйига туҳфа ҳам деб, ушбу шеърини Арслон, Бўқам!

Арсдон УМАРОВ.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМ-ЛАНМОҚДА

Вилоятимизнинг Юқоричирчик ва Жанубий Қозоғистон вилоятининг Тулкибас туманлари меҳнаткашлари ўртасида биродарлик алоқаси давом этиб келмоқда. Ўтган жума куни қозоғистонлик дўстлар Юқоричирчик туманига ташриф буюрдилар. Тулкибас тумани ҳокимининг биринчи муовини Қосимбек Холмирзаев бошчилигида меҳмонлар «Тулистон» жамоа ҳўжалигининг иссиқхонаси, пиз куритиш цехи, Ясавий номли жамоа ҳўжалиги меҳнаткашларининг дала ишлари, кичик қорхоналари фаолияти билан танишдилар.

Бадний ҳаваскорларнинг чиқишларидан меҳмонлар хўшнуд бўлдилар. Айниқса, «Олдуст» қозоқ ансамблининг чиқишлари меҳмонларга ёқди. Икки туман ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этаверди.

С. АБДУЛЛАЕВ.



• «Қибрай» пивоси.
• Янги ичимлик шу ерда тайёрланади.
Ф. Қурбонбоев (ЎзА) тасвири

«ЗАРРИН ЯПРОҚЛАР»НИНГ ҚЎШАЛОҚ ТҮЙИ

Бундан бир неча йил аввал Янгийўл шаҳар маданият ишлари бўлими ташаббуси билан «Заррин япроқлар» фольклор-этнографик дастаси ташкил қилинган эди. Унинг раҳбари Карима ая Раимжоновна ўтган вақт мобайнида астойдил ҳаракат қилиб, атрофга бир қатор санъатсевар онақоналарни тақлиф этди. Бадний даста учун махсус дастур ишлаб чиқилди.

Шу йиллар ичида мазкур даста вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида бўлиб, сермазмун, мароқли концертлар уюштирди. Унинг дастуридан ўрин олган бой маданий меросимизга оид кўшиқлар, миллий кадриятларимизни ифода этувчи лапарлар томошабиларда кизкиш уйғотиб, обрў-этибор қозонди.

Кейинчалик вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги кўриқларда, тантанали тадбирларда ижро этилган кўшиқлар, рақслар зое кетмади. Беш йилдики, бу жамоа «Халқ фольклор дастаси» номи билан аталади. Унинг дастури тобора бойиб бормоқда.

Яқинда «Заррин япроқлар» Янгийўл шаҳридаги марказий маданият уйида ўзининг 10 йиллигини ҳамда бадний раҳбар Карима ая Раимжоновна таваллудининг 70 йиллик тўйини кизгин нишонлади. Унда Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солихов иштирок этиб, даста иштирокчилари ва уларнинг раҳбарини кўш сана билан кутлаб, самимий ниқятлар билдирди.

Кеча сўнгида «Заррин япроқлар» қайиқчилари янги дастур билан чиқиб, қатнашчиларни мамнун этдилар.

Ш. ОБИДОВА.

СПОРТ БАЙРАМИ

Яқинда республика ноғиронлар жамоаси «Инваспорт» базасида Галаба куни ва Халқаро Қизил хоч ҳамда Қизил ярим ой жамияти кунига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди. Байрам дастури асосида стол тенниси, футбол, оғир атлетика, вейлбол, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилди. Шунингдек, «Матонат» клуби аъзоларининг автомашина ва ноғиронлар аравачаларида пойгаси бўлди.

Байрам тугагач ташкилотчилар ва хомийлар томонидан тайёрланган мукофотлар голиблар ва совриндорларга тоширилди. Республика эстрада — цирк санъати студияси билим юртининг талабалари концерт бердилар.

А. ШУКУРОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Шаҳрисабзда уч ҳафта давом этган шоҳмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди. 15 имкониятдан 11 очко тўплаган чирққлик Михаил Салтаев «Ўзбекистоннинг 1994 йилги чемпиони» медалини қўлга киритди. Иккинчи ўринни самарқандлик Шухрат Сафин эгаллади. Тошкентлик 14 ёшли Рустам Қосимжоновнинг Халқаро шоҳмат устаси талабаларини бажаргани айниқса қувончли бўлди.

(ЎЗА мухбири)

Шифокорлар оғоҳлантиради

ҲАЕТДА шундай ҳодисалар бўладики, инсон унга старли эътибор билан қарамайди. Натижанда бу бепарволик туфайли олдини олиш мумкин бўлган касаллик оғир фожиага олиб келади. Кейингиси эса кеч бўлади.

Шу йили вилоятимизнинг Пискент ва Қибрай туманларида М. ва Э. номи фуқаролар 24 ва 70 ешларида қутуриш касаллигидан нобуд бўлдилар. Буларнинг бирини даиди ит, иккинчисини эса қариндошларининг ити тишлаган эди. Бу ҳодисалар тўғрисида улар шифокорларга билдиришмади.

Қутуриш — ин ониятта жуда илғари замонлардан бери маълум бўлиб, қийин кечадиган юқумли касалликдир. У марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши туфайли содир бўлади. Бунда қўзғалиш аломатлари ва кейинчалик фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди. Бу касалликни қўзғатувчи филтэрловчи вирус бўлиб, уни фақат электрон микроскоп ердамидагина кўриш мумкин. Қутуриш касаллигига асосан одамлар, барча сўт эмизувчи ва иссиққонли ҳайвонлар дучор бўлади.

Одамга бу касаллик кўпинча қутурган ҳайвон қонганда, тишлаганда, шунингдек, унинг сўлаги яни ярага ва ҳатто терининг тирналган, кесилган ерларига еки кўз, бурун шиллиқ пардаларига тушганда, тасодифан одам қутурган ҳайвоннинг терисини шилганда ҳатто сўлак теккан нарсаларга у суйкалганда ҳам юқиши мумкин.

Ваҳоланки, шундай экан, ҳозирги кунда вилоятимизнинг Бекобод, Юқоричирчик, Паркент, Тошкент, Оҳангарон, Бўстонлик, Оққўрғон туманларида ва Бекобод шаҳрида, ҳасиллар, айниқса, итлар орасида қутуриш касаллиги кўпайиб кетмоқда. Бу эса аҳоли орасида ит тишлаган жабрланганлар сонининг ошиб кетишига ва фуқаролар орасида қутуриш касаллигининг келиб чиқишига

сабаб бўлмоқда. Қутуришни даволаш учун ҳозирча самарали усуллар топишганча йўқ. Хўш, одамни ҳайвонлар, айниқса, итлар тишлаганда, қутуриш касаллигига дучор бўлмалик учун нималар қилиш керак? Энг аввало, ҳайвон тишлаган жойни совунаиб ювиб, йод эритмасини суртиш, кейин стерилланган тоза бит (дока) билан боғлаб, дарҳол вақтни бой бермай, шифокорга мурожаат қилиш лозим. Ўз вақтида ва

лозимдир. Агар ит хонадон аъзоларини еки қўни-қўшиқларини тишлаб олса, бу тўғрида дарҳол ветеринарларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Вилоятимизда ҳар йили 7-7,5 минг киши ҳайвонлар, асосан, итларнинг тишлашидан жабр кўрмоқда. Уларга ўз вақтида ердан кўрсатиш, қутуришга қарши чоратадбирларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан катта маблағ сарфланмоқда.

Вилоятда ҳайвонлар ва одамлар орасида қутуриш касаллигининг аҳволи ва унга қарши олиб бориладиган чоратадбирларнинг

бажарилиши, кўтарилган муаммонинг жуда ҳам долзарб эканлигини ҳисобга олиб, бу масала вилоят эпидемиология қарши фақуллода комиссиясининг кенгашида ҳар томонлама кўриб чиқилди ва қўшимча чоратадбирлар белгиланди. Барча шаҳар, туман ҳокимлигига, вилоят илмисиданги ташкилотлар раҳбарлигига, давлат ва жамоа ҳўжалиқларнинг раисларига, қишлоқ ва қўрғон кенгаши оқсоқолларига, овчилар уюмиса, тиббиет, ички ишлар бўлими ходимларига бундай қўшимча чораларни бажариш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Т. ЗУПАРОВ, Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станцияси ўта хавфли касалликлар бўлими мудири.

Р. БАХРОМОВ, вилоят санитария-эпидемиология станцияси ўта хавфли касалликлар бўлими шифокори.

Мухаррир - Н. НАСИМОВ



Ф. Қурбонбоев (ЎзА) тасвири

ХАВФЛИ ДАРД

мунтазам тиббиет ходимлари томонидан ўтказилган эмлаш ишлари одамни ўлимга дучор қиладиган қутуриш касаллигидан сақлаб қолишда бирдан-бир воситадир. Чунки, бу касалликка учраган одамни даволаб бўлмайди. Фақатгина шундай йўл билан асоратнинг олдини олиш мумкин, холос.

Шуни ҳам эслан чиқармаслик керакки, эмлаш ўтказилаётган даврда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, эмлаш тартибини бузиш, ундан бosh тортиш ҳеч вақт яхшиликка олиб келмайди ва бундай муносабатлар қатъиян ман этилади.

Ҳайвонлар, итлар, мушуклар билан ортиқча алоқада бўлишдан сақланиш, айниқса, болаларни ҳайвонлар билан ўйнашга йўл қўймалик ҳам бу касалликка қарши курашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ит қўчага ўйнатиш учун олиб чиқилганда, оғзига махсус бурундук тақиб, калта чилвирда олиб юриш тавсия этилади.

Уйда боқиладиган барча итларни рўйхатдан ўтказиш, уларни вақти-вақти билан ветеринария кўригидан ўтказиб туриш, қутуриш касаллигига қарши эмлатиш ва тегишли паспорт олиш

Мухаррир - Н. НАСИМОВ

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ КОМПЛЕКСИ 36-ХУНАР БИЛИМ ЮРТИ 1994-1995 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУП ҚИПАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади), ўқиш муддати - 1, 5-3 йил.

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧЧИ (асалариччи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилади) ўқиш муддати 1,5 - 3 йил.

ФЕРМЕР-ЦЕЛЛИКЧИ (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади) ўқиш муддати - 1, 5-3 йил.

ТЕЛЕВИЗОР ВА РАДИО ТЎЗАТИШ ЦЕМАЛАРИ ТАЙЁРЛОВЧИ ПЦМЛИК ОЛТИ ОЙЛИК ҚАРЕ ТАШКИЛ ЭТИЛТАН. Хужжатлар 1994 йилнинг 10 августигача қабул қилинади. Ўқувчилар 1994 йил 16 августдан ўзбек тилидан (диктант), биологиядан (тест) касби бўйича ихтирлар топширадилар.

Билим юртига 9-11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Уч йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади.

1,5 йиллик фермер гуруҳларига армия сафидан қайтган йигитлар қабул қилинади. Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутхассислик бериб борилади. Уч йиллик гуруҳ ўқувчилари тўла курсни тугатганларидан сўнг тўла маълумот ва фермер мутахассислигига эга бўлади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва стипендия билан таъминланадилар. Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш амалиёти республикамизнинг фермер ҳўжалиқларида ўтказилади. Иштирокчиларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга тоширган ўқувчилар ҳорижга жўнатиладилар. Ўқиш муддати иш стажига кирди.

36-хунара билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадний ҳаваскорлик тўғараклари ва спорт секциялари мунтазам ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўйиб топширилади:

- ✓ тузилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт;
- ✓ маълумот ҳақидаги гувоҳнома (асли);
- ✓ турар-жойидан маълумотнома;
- ✓ отаси ёки онасининг иш жойидан маълумотнома;
- ✓ олти дона (3x4 ҳажмида) сурат;
- ✓ 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Машинотлар 1 сентябрдан бошлаб ва фақат ўзбек тилида олиб борилади. Ҳужжатлар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 8.00дан 16.00гача қабул қилинади.

Маълумотнинг: Шпокент вилояти, Қибрай тумани, «Ғофизика» кўрғончаси / М. Ғофизика метроси - Шўзале автобусининг «Ғофизика» бекати, ёки 21, 49, 63, 73, 112 - автобусларининг охири «1-Қорасў» далаги бекати.

Маълумотлар ўзун телефон: 64-31-34.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700000, Тошкент, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОН:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 334-048

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г-893. 20970 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2

- Ўзлон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
- Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар.
- Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.

• Таҳририятга келган хатлардан

• Абдуҷамил МАТҚОБУЛОВ туғилган кунга 90 йил тўлди

ХАЛҚНИНГ ДАРДИ БИЛАН ЯШАГАН ЭДИ



унвони берилди ва биз Москва сафарига тайёргарликни бошлаб юбордик.

1963 йил 24 февраль кунини Иттифок миқёсида биринчи марта жамоа ҳўжалиги халқ дастаси Кремль театри сахнасида рақс устаси марҳум Назир Турсун, шула раҳбари Жўра Азимовлар билан ҳамкорликда раҳматлик шоир Ёгин Мирзо либреттоси асосида тузилган икки бўлимдан иборат "Гулла, яшна республикам" деб номланган беш қисмли театрлаштирилган катта концерт дастурини намойиш этди. Ҳа пайта бу жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳазилмас-да, деҳқондан чиққан оддий хаваскорлар Кремль сахнасида ўз санъатларини намойиш қилишса?! Бунда отанинг санъатга фидойийлиги иш берди. Ахир сарф-ҳаражат ҳамин қадар эди. 62 кишига концерт кийимлари тиктирилди, бориш-келиш, йўл харажатлари, озиқ-овқат таъминоти ҳам хўжалик ўз зиммасига олган эди. Бу ўша вақтинги пули билан ҳисобланган ярим миллион сўмга етган эди.

Шундай қилиб, тўғарагимиз доврўги бутун дунёга танлиди ва биз Москва сафаридан катта таассуротлар билан қайтди. Сафар давомида кўпгина корхоналар, ташкилотлар, олийгоҳларда, хўжалиқларда концертлар қўйиб бериб, оқинларга сазовор бўлдик. Қаерда бўлмайди, бизни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан кутишар, учрашувлар жараенида, бир пиела қой устида кизгин суҳбатлар бўларди. Биз уларга ўз хўжалигимиз, ў ерда меҳнат қилаётган фидоий деҳқонларнинг қаҳрамонлиқлари, уларнинг турмуши, ҳаёт тарзи ҳақида ҳаёжан билан сўзлаб берадик. Албатта, тўғарагимизнинг қандай шаклланаётгани ва қамол топанлигини айтишни ҳам унутмасдик: чет элдан юртимизга меҳмон бўлиб келадиган давлат арбоблари, турли соҳадаги чет эл жамоат ташкилотларининг

вакиллари, албатта, хўжалигимизга ташириф буюришиб, мухташам маданият саройимизда бизнинг тўғарагимиз томонидан бериладиган концертларни томоша қилмасдан кетишмасди. Бизнинг жамоа хўжалигимизга, жумладан Ҳиндистон республикасида Жавоҳарлал Неру, Вьетнамдан Хо Ши Мин, Кубадан Фидель Кастро, Миср Араб Республикасида Жамол Абдул Носир, Индонезиядан Сукарно, Жазоирдан Аҳмад Бин Белла, Эрон шаҳншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва бошқалар келиб кетишган...

Биз Москвадан қайтгач, шаҳримизнинг театрларида ҳисобот концертларини ҳам қўйиб бердик. Кўп ўтмай мени Абдуҷамил ота қаҳириб қолдилар. Эсимда, апрель ойининг иккинчи шаббаси эди.

— Ҳақим эшон, хушхабар бор, — дедилар хурсанд бўлиб. Мен қандай хушхабар экан, деб тарадулланиб қолдим.

— Кеча, мен шахсан Шароф Рашидовнинг имзолари билан хат олдим. Унда жамоа хўжалиги халқ ашула ва рақс дастаси республикамизнинг кўргазмали халқ дастаси сифатида ўлжамизнинг бошқа вилоят ва кишлоқларда ҳам концертлар бериши зарурлиги таъкидланган. Ҳозирдан тайёргарликни кўраверинглар, ҳамма имкониятларни яратиб берамиз.

Бу хушхабар мени ниҳоятда ҳаёжонлантирди. Бизга катта ишонч билдирилган эди. Бу ишонч бизни яна ҳам руҳлантирди. Ҳақим эшон, ижодимизга янада масъулият билан ендашишга ундади. Бадийи гўруҳимиз хар йили июль-август ойларида ижодий сафарда бўлиши анъанаси айланиб қолди.

Абдуҷамил отанинг ўта синчковлиги, саҳовати, халқ хизмати йўлидаги танитилган одами ҳайратга солади. Бир кун қаҳириб, шундай дедилар: Ҳақим эшон, бугунгиларми Али аканинг маълумотига қараганда, сизлар сафар концертлари ҳисобига хўжаликка 370 миң сўмдан ортиқ даромад келтирибсизлар, миң раҳмат. Аммо бизнинг ниятимиз пул ишлаш эмас, эл-юрт меҳрига мансуб бўлиш. Уларнинг қалбида шундай қилса булар экан-ку, деган таассурот қолдириш. Раҳмат, биродар. Энди сафар концертларини бирозга тўхтатинглар, янги концерт дастури тайёрлаш устида иш бошланглар...

Абдуҷамил ота ана шундай халқларвар инсон эди. У эл-юрт манфаати йўлида маблағини аямасди. Жамоатчилик яхши эсласа керак, "Пахтакор" футбол гўруҳи танг аҳволга тушиб қолганда у ана шу жамоа хўжалиги томонидан оталиққа олинган.

Абдуҷамил ота оғир кунларни бошидан кечирган, қалби меҳр-шафқатга тула, инсонпарварлик, одамийлик хислатлари билан қамол топан инсон эди. Шу боис ҳам у 1941 — 1945 йиллардаги урушнинг энг оғир кунларида, яъни 1942 йили "Фронгда ердан" қаҳирига лаббай деб жавоб бериб, колхозчилар йиғинида фронт учун ўз шахсий жамғармасидан 100 миң сўм пул ва бола-чақаларнинг тилло тақинчоқларини ҳада қилган.

Ниҳоят бу аjoyиб инсон 1966 йили Тошкент эли-зиласидан кейин бошпанасиз қолган юздан ортиқ ҳаёжан эшларига ҳам ер устасига ажратиб берган эди.

У ана шундай меҳри даре инсон эди. Шу боис унинг хотираси қалбларимизда абадий сақланади. Айни пайтда Дўрмон кишлоқ фуқаролар йиғини, бир неча мактаб ва жамоат ташкилотлари унинг номида.

Раҳматли Абдуҷамил ота ҳаёт бўлганларида ҳозир тўқсон баҳорни қаршилаган бўлар эдилар.

Худо раҳмат қилсин, отахонимизни!

ҲАҚИМ НИШОНОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, республика аҳамиятига мوليқ шахсий нафақахўр, Дўрмон маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



• Сурат 1946 йил олинган.

МИННАТДОРМИЗ!

Дунёда ўзларининг беминнат хизматлари билан одамларга яхшилик улашиш пайида юрадиган кишилар кўп экан. Яқинда тақдир бизни ана шундай аjoyиб инсонлар билан учраштирди. Уларнинг олижанобликлари ва дилдан берган кўмаклари туфайли бутун оиламиз аъзолари билан беҳад қувондик.

Фарзандларимизнинг отаси — Неъматжон Турдиқуловнинг бўйинларида бундан ўн беш йил аввал кичкинагина бир шиш пайдо бўлганлиги. Тўғриси, ўшанда биз бу нарса ниманинг аломати эканлигини билмасдан, шишнинг деярли кўрimsиз ва оғирсиз эканлиги учун у қадар эътибор бермагандик. Шу йилнинг бошида кутилмаганда у қаттиқ безовта қила бошлади. Зудлик билан туман марказий касалхонаси жарроҳлик бўлими шифокори Озодхон ака Акбаровга мурожаат қилдик. У киши эримни операция қилиш лозимлигини айтдилар. Қўйилган ташхисни Тахтапуллага жумҳурият онкология касалхонасининг тажрибали жаррохи Шобабдулла Алматов ҳам тасдиқладилар ва операцияни О. Акбаров билан ҳамкорликда амалга оширишга розилик бердилар. Оқ ҳалат сохибларнинг тажриба ва заковатлари билан турмуш ўртоғим дардан буткул фориг бўлиб, фарзандларим бағрига қайтдилар. Мен ўғил-қизларимнинг қувончларини кўриб, беихтиёр қўлимга қалам олдим ва ушбу миннатдорчилик мактубини битишга жам этдим.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Рўзномангиз орқали кийин дамларда бизга рухан далда ва кўмак берган Пискент тумани марказий касалхонаси бош шифокори М. Худойбердиевага, унинг ўринбосари Х. Нуровга, тажрибали жарроҳлар О. Акбаров ва Ш. Алматовларга ҳамда Клара, Мунисхон, София исмли ҳамшираларга оиламиз аъзоларининг ташаккурларини етказиб қўйишингизни илтимос қиламан. Уларнинг ҳар бирларига мустахкам соғлиқ, ишларида ривож тилаб қоламан.

Хурмат билан Мактуба **АБДУҚОДИРОВА**, Пискент тумани.

ҚўЛ БЕРИБ СўРАШИШ ШАРТМИ?

Саломлашиш, албатта, самимилик, яқинлик, кадр-киммат, меҳр-окибат рамзи саналади. Лекин уни сунистезмаол қилиш, ортиқча сертавозе, сертакалдуфлик кишига эриш туйилади.

Масалан, дастурхон атрофида 20-25 киши ўтиради. Фотиҳага қўллар ҳам очилган. Меҳмонхонага яна бир киши кириб келди. Аввал ўнг томондаги кишиларга, сўн чап томондаги танишига қўл берди: — Ноқулай! — деди у. — Ёнвондагилар билан сўрашмасам, кўнгим ўрнига тушмайди. Шу тарзда дастурхон атрофини айланиб, қўл бериб, сўрашиб чикди.

Буни ҳар ким ўзича талкин этади. Кимдир енидаги номини ушатиб ўтирганларга узатади, яна кимдир ҳеч ким сезмасин дея секингина хонтахта тагидан сочиқка қўлини артди. Зум ўтмай яна бир меҳмон узр сўраб кириб келди. Яна шу манзара.

Кўча-куйда, маҳаллада бош эгиб сўрашиб ўтадиган танишлар мартабаунга сал юкориласа енинизга келиб қўл бериб, кучоқ очиб сўрашишади. Бунинг учун ўзлари хиҷолат тортишмайди ҳам.

Оддий саломлашишдан дўстлик, қадрдонлик, қариндошчилик иллари боғланади. Шундай экан, самимиий саломлашишга нима етсин!

М. СУЛАЙМОНОВ.

АВВАЛО ХАВФСИЗЛИКНИ ЎЙЛАНГ

"Чор-су" бозори Тошкент шаҳрининг энг гавжум жойларидан бири, десак хато қилмайми. Бу ерга кунига савдо-сотик учун, хизмат юзасидан ва томоша қилишга миңлаб кишилар келиб кетадилар. Улар орасида айниқса Тошкент вилояти фуқароларини қўлаб учратиш мумкин.

Яқинда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Чор-су" меҳмонхонаси қаршисида кузатув ўтказдик. Бир маҳал ўрта ешлардаги аёл бошисини етақлаб Беруний кўчасини кесиб ўта бошлади. Йўл ўртасига келганда автомашиналарнинг серкатновлигидан саросимага тушиб қолди. Бўлимна нозир Эргаш Бойназаров ўз вақтида ердан бермаганда аёл ва боланинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин эди. Тошкент туманидаги "Тўлабий" жамоа хўжалигида истикомат қилувчи бу аёлдан: Нега ер ости йўлидан ўтмадингиз деб сўраганимизда у — зиналардан паства тушиб-чиккишга қийналанман. Осонроқ деб ўтаётган эдим, — деб жавоб қилди.

Ана ҳоло! Зиналардан тушиб-чиккишдан қийналиш йўлдаги бахтсиз ҳодиса оқибатидаги тан жароҳати оғирликлардан қўра енглимикан? Бизни ташвишлантираётган нарса аёлнинг коида бузилишига бўлмай, балки қўлида етақлаб олган еш боланинг ҳам тарбиясига салбий таъсир ўтказишидир. Ахир у онаси бошлаб бораётган жойдан ўтиш мумкин эмаслигини билмайди. Ақсинча унда йўлнинг дуч келган қисмидан кесиб ўтиш мумкин деган фикр уйғонади.

Транспорт воситаларининг сони ва тури ортиб бораётган бир пайтда ҳайдовчилар билан бир қаторда пиледаларнинг ҳам йўл ҳаракати қондаларига бўйсунтирилари ва унга амал қилишлари шарт. Кўчаларда юришда белтиланган қондага риоя этишингиз хавфсизлигингиз гаровидир.

Исроил **САЙДИКАРИМОВ**.

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими ДАН бўлимига нозир.

КўНГИЛ кўнгилдан сув ичади, дейдилар. Бу ҳақда ўйлаганимда доимо кўз ўнгимда қишлоқ хўжалиги ишлари чиқарилиши аjoyиб ташкилотчилардан бири — иқтидорли раҳбар, кўп йиллар давомида сойиқ Оржоникидзе (ҳозирги Қишрак) туманидаги "Қизил Ўзбекистон" жамоа хўжалигига раислик қилган, хўжалиқнинг доврўгини узок-узокларга таратган Абдуҷамил ака Матқобулов кўз ўнгимда намоён бўлади.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида камбағал деҳқон оиласида туғилган, икки ешида ота-онасидан етим қолиб, бойлар қўлида хизмат қилиб, ҳаётнинг захматини тортган, ниҳоят, арава яшах ҳунарини ўрганиб, уста сифатида халқнинг ҳождатини чиқариб келган Абдуҷамил раис бўлганда ҳам фақат халқнинг дарди билан яшаган. У Меҳнат Қаҳрамони бўлган, ҳукуматнинг бир неча орден, медаллари билан тақдирланган, фахрий ерликлар олган, Олий Кенгаш халқ номии сифатида ҳам қизгин фаолият кўрсатган инсон эди.

Мен қишлоқ хўжалиги ходими эмасман. Шу туфайли ҳам Абдуҷамил отанинг раислик фаолияти, қолоқ хўжалиқни қандай қилиб илгорлар сафига олиб чиққани, қурилиш, ободончилик соҳасида олиб борган беқис ишлари ҳақида езмоқчи эмасман. Қолаверса, Матқобуловнинг салохияти, у қилган, амалга оширган езгу ишлар ҳақида ўз вақтида матбуотда кўп ва кўп езилган. Унга 1957 йлда Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганда севимли езувчимиз Абдулла Қаҳҳор "Дўрмон лочини" очеркини чоп этиб, иқтидорли раиснинг таъриф-таъсифини нодир қўйма янглиг ўз ўрнига қўйиб қўйган. Ундан ўтказиб бир нарса дейиш амри маҳолдир. Мен муסיқашунос бўлганимни учун ҳам ота фаолиятининг бошқа бир қирраси — у кишининг маънавий дунеси, санъатга шайдолиги, меҳри ҳақида, ўзим гувоҳ бўлган воқеалар, ишлар, учрашувлар ҳақида гапирмоқчиман.

Гап шундаки, хўжалиқда деҳқончилик ишлари гуркираб, иқтисоди бақувватлашиб, ўз қаддини ростга олгач, ота маънавиятга ҳам кўпроқ эътиж сездилар. Шу мақсадда менинг хизматимдан фойдаланмоқчи бўлдилар ва йўқлатдилар. У киши билан биринчи бор учрашганими сира-сиря унутмайман. 1959 йилнинг 25 май кунини эди. Эрта билан жамоа хўжалиги идорасига отландим. Рухсат сўраб чиқарган, ота хузурига кирдим. Салом бердим. Самимиий қаршиладим. Одоб сақлаб турдим. Узини таништирдим.

— Жуда соз, — дедилар, — қаерликсиз, қаерда истикомат қиласиз?..

— Асли андижонликман, — дедим, — ҳозир Урда худудидики кўп қаватли уйлардан бирида ашайман.

— Биродар, — ота ваэмиллик билан сўз бошладилар, — гап бундай, биз шу кунларда маданият саройи қуришни бошлаб юбордик. Албатта, у биттадан сўнг вақти-вақти билан деҳқонларга бадийи хизмат қиладиган хаваскорлар дастаси ҳам бўлиши керак-да. Чека-чеккада хиргойи қилиб юрган, раққоса бўлишни орзу қиладиган деҳқон йигит-қизларимиз ҳам оз эмас. Биз уларнинг бошини бир ерга қовуштирмоқчимиз. Сизни менга оёқ-қўли, тўғараққа раҳбарлиқни ўрнига қўлади, деб айтишганди. Лекин, бир шартим бор. Сиздан олдин ҳам бизда жуда кўп таниқли санъаткорлар ишлаган. Бирок, улар шаҳардан қатнашаганди. Менга бу тақдирда иш олиб бериш мақбул эмас. Агар сиз шу ерга қўчиб келиб яшасангиз, яхши бўларди. Таёёр уй-жой, томорқа ери ҳам бор. Сизга бераман. Хўш, нима дейсиз?..

Дабдурустан жавоб беришни билмай қолдим.

— Мен-ку, розиман, — дедим чарналяиб, — уйдагилар билан ҳам бир маслаҳатлашиб кўрай-чи.

— Жуда яхши, — дедилар ота, — лекин жавоб и эрта-индигандан кечиктирманг...

Уйда кечки оватдан сўнг суҳбат қилиб кетди. Онам раҳматли "вой", содагина болам-ей, ота жуда ҳиммат қилибдилар-ку, дўмингни худо олсин, бир парча ери бўлса ҳам ҳовли-жойга нима етсин", дедилар хурсанд бўлиб. Келин ҳам рози бўлди.

Эртаси кун яна ота хузурда бўлдим. Уйдаги гап и айтдим. "Айниқса, онан қувониб кетдилар. Раис буваннинг мартабалири бундан ҳам зиеда бўлсин, жон-жон деб кўчиб борамиз", дедилар, дедим.

Абдуҷамил ота ўлтирган жойларига бир қўзғалиб қўйдилар. Енларида ўтирган истариса иссиққина одамга қараб:

— Тўра, эпитипсанми, ҳалиям бўлса хотинларнинг боши ишлайди. Артистларга отар бўлса бўлгани, — деб қуддилар.

Шундай қилиб хе йўқ, бе йўқ, мен Дўрмон қишлоғидан ватанли, уйли-жойли бўлдим ва астойд л ишга киришиб кетдим. Дастлаб бир иштироки билан машгул ўтказган бўлсам, уч-тўрт ой ўтгач, хаваскорлар тўғарағида созида: хонанда, раққоса, қоғизларнинг сони олтимишга яқинлашиб қолди. Бу орда еш доврачилар гўруҳи ҳам иш бошлади. Абдуҷамил отанинг шахсан ўзи нима ердан керак бўлса, вақтида бажо қилиб турдилар. Ойлар, йиллар ўтган сари тўғарағимизнинг репертуари бойиб, ранг-баранглашиб, хаваскорларимизнинг тажрибаю маҳоратлари ортиб борди. 1961 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Маданият вазирилиги қарори билан бизнинг тўғарағимизга "Хаваскорлик халқ ашула ва рақс дастаси" фахрий

• Лавҳа

ШУКРОНАЛИК



Инсон... қанчалар буюк меҳнатқаш, яратувчидан. Ангрэн шаҳри томон йўл оларқанман, ҳаелимдан беихтиёр шу сўзлар ўтди. Кўп қаватли бинолар, заводлар, мактаб, бозор расталари тугаб, икки томони кўм-кўк кўкаламзор боғлар кўринди. Узоқдан тоғлар қад ростлаб турирди. Йўл чеккасида қатор қилиб экилан терақлар шабадада тебраниб, гўе бир-бирига шивирлашаётгандек. Кенг далаларга чигит, беда экилган. Ерининг ҳар қаричи қадри экани бир қарагандаёқ шундоққина сезилиб туради. Табиат манзарасига маҳдие бўлиб манзिला етиб келганимни ҳам сезмабман.

Облик — Ангрэннинг энг кекса қишлоқларидан бири. Одамлари меҳнатсавар, билимдон. 520 хўжалик, яъни 3005 аҳолига 360 ўринли боғча, 1160 ўринли мактаб, тўрта дўкон, поликлиника хизмат кўрсатмоқда.

— Яқинда маҳалла боғи ташкил этилиб, уруш қатнашчиларига атаб едгорлик ўрнатилди, — деди маҳалла раиси Уринбой Мутаимов. — Облик қишлоғидан беш юздан ортиқ йигит Ватан химоясига бориб, шундан икки юз киши қайтиб келмади. Едгорликни қуришдан мақсад шаҳид кетган ҳамқишлоқлар руҳини ед этишидир.

Маҳалламиз аҳолиси иноқ, шунинг учун қилинадиган ишлар кўп бўлгани билан ишлаш осон. Айниқса фахрийларимиз маслаҳатларини ҳам, меҳнатларини ҳам амайдилар.

Ҳақиқатан ҳам фахрийлар кенгаши раиси Мирзахамдам Қурбонов, фаоллар Мирқомил Фиесов, Мажидхон Шоқиров, Нуриллаҳон Букаев, Арслонбой Қаршиев, Кўчор Турсунқулов, Ҳурматой Қурбонова, Ойниса Топилова ва яна бир қанча ҳамқишлоқлар биргалликда маҳалла аҳлининг тинчлиги, соғлом лиги, кўчаларнинг покзалигига катта аҳамият беришар экан. Қабристон йўлини асфальтлаш, шифохона, мактаб, боғчаларга иссиқ сув келтиришда, тўй-ҳашамларнинг ихчам ва чиройли ўтишида ҳам уларнинг хизматлари катта. Шу маҳаллада истикомат қилаётган А.Жўраев ўз маблағидан қабристон енига масжид қурдирапти. Буларнинг ҳаммасига фахрийлар бош-қош.

— Наврўз байрами ўтказилганда, — Мирзахамдам ота Қурбонов салмоқланиб сўз бошлади, — 29 маҳалла ичида Облик маҳалламиз биринчиликни олди. Мана шу боғимизда сайл бўлди. Маҳалламиз келиналари, қизлари тайёрлаган ноз-неъматлар,

парварин қилиб ўстирган гулларини кўрганларнинг баҳри-диги очилди. Мана шундай йиғинларда қуролдош дўстларини еслаб кетаман. Хандақларда очнаҳор қолганларимизда яхши кувлар келишига ишонч билан яшардик...

Суронли уруш йиллари... Инсон бардошини сира қўли араланган. Кизилгидан ҳар қаҳирилганда йитирма-йитирма икки нафар йигит урушга кетиб, шулардан ўн-ўн бештасигина қайтган.

Кайин, дастурхонга қаранглар, — уй бекиси Мажидхон отанинг сўзларини тасдиқладилар. — Бу ноз-неъматлар ўз қовлимизда етиштирилган, меҳнатимиз маҳсули. Шақару уни сотиб оламиз, ҳоло.

Ҳамма дастурхон атрофига ўтирай. Кичик набиралари Ҳамидхон ўриндан туриб каптарларига, товукларига лон сочи, қўйларнинг оватини, сувини бериб, кейин бизнинг даврага қўшилди. Мажидхон ота хурсанд бўлиб, имлаб қўйдилар.

— Бололигим жуда тез ўтандек, — Мажидхон ота еш-ликларини есладилар. 7-синфи тугатиб армия сафига қаҳирилдим. Уша йилдаги суратини кўрганлар ҳайрон қолишади, — дея тоқдадаги альбомини менга узатдилар. Наҳотки шу ешдан милтиқ тутган бўлсангиз дейишади. Қўкрагимдаги орден ва медалларни кўрган набираларимнинг ҳаваси келди. Эҳ-ҳе, булар қанча мазаққатлару, қанча қурбонлар өзига келган...

Қўлимда Мажидхон ота Шоқировнинг сурати. Орқасида

"1943 йил" деб езиб қўйилди. Суратдаги қорачадан келган озгин бу йигитнинг кўзларига мунг, алам. Ҳали ота-она дийдорига тўймай Ватан ҳимоясига отланган йигит. Мана бу суратларда қуролдош дўстлари билан тузилган, булар тинч ҳаёт даври. Урушдан омон қолган полкдошлар билан ғалаба кунни тушландирган суратлар...

Бугун ота етимни ешга тўлдирар. Енларига суюкли ер, меҳрибон фарзанду, ширин-шақар набиралар, елкадош дўстлар. Тинч замонни кўриш бахтига муассар бўлганларидан шукроналар билдирадилар.

Лекин улар кўнғида бир армон: қанчадан-қанча қуролдошлар бу кунларга етмай ҳаётдан кўз юмдилар. Шунинг учун ҳам ҳар гал юзларига фотиха тортганларига улар руҳини ед етдилар...

Облик — Ангрэннинг қадим қишлоқларидан бири... Шу қишлоқдан чиққан қаҳрамонлар дарагини бир томчиса. Лекин шулар қўшилиб ирмоқларга, дареларга айланиб катта куч бўлдилар ва Ғалабани яқинлаштириллар.

Инсон... қанчалар бардошли, қудратли ва иродалисан.

М.ОБИДОВА, Суратда: (чапдан ўнгга) Фахрийлар Рафиқ Латипов, Мирзахамдам Қурбонов, Мажидхон Шоқиров.

НАВҚИРОН БЎКАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

ФИДОЙИЛАР БУНЁД ЭТИШГАН

Раҳмон САИДОВ, туман ҳокимининг биринчи муовини

БУГУН биз учун катта байрам. Яхши кунларда ўтмиш ёдга тушади, деганлари рост экан. Мазкур танишга ҳозирлик кўриш жараёнида ҳокимлик раҳбарлари, маъсул ходимлар бир қатор жамоа ҳужалиқларида, ташкилотлар, маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан учрашдик. Ешлар 70-80 ни қоралаб қолган оқсоқоллар суҳбатда бўлдик. Бундай мулоқотлар чоғида туманимиз ҳақида билган маълумотларимиз янада кўпайди, таассуротларимиз кенгайди.

Учрашувлар пайтида қариялар Бўканинг оёққа туриб олишида ориятли, билағида куч-қуввати бўлган, шиддаткор кишилар гайратларини аямай сарфлаганликларини жўшиб гапириб бердилар. Улар айниқса, турли йилларда туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаган Ж.Хонзаров, Э.Шарифов, Р.Қодиров, М.Этхамбердиев, Т.Исмоилов, М.Иброҳимов, Э.Эшмухамедов, У.Усмоновлар, Х.Пирназаров, А.Мўминов, А.Абдуҷабборов, Қ.Элчибоевлар номини мейр билан тилга олдилар. Уларда бу заҳматқаш инсонлар туман раёонида кўпгина салмоқли ишлар қилганликларини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Бўка тумани ташкил этилганидан бунён ўтган вақт унчалик кўп эмас. Лекин, шу мундтақ мобайнида унинг ўзинга хос тарихи шаклланди. Яққам-дуққам, пастанкам, кўр-қисиз уйлاردан иборат ноҳоргина қишлоқлар, етда тизла бўйи тупроқли, қишда лой, арава ситгар-сигмас ёйлар, тўқайзорлар, шўр босиб турган майдонлар, пала-партиш очилган ариқлар туман ташкил толган дастлабки йиллар анъанасига хос белгилар эди. Уш пайтларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 8-9 центнердан ошмасди. Эндиликда 92 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган, 22 та жамоа ҳужалиқи мавжуд бўлган Бўка тумани ҳужалиқдорлигини, Бўка шаҳрининг қиёфаси ўзгача. Шу йиллар мобайнида пахта ҳосилдорлиги ўртача 25 центнерданга кўтарилди. Мевачилик, боғдорчилик, галлчилик, шолкорлик йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

Туманимиз ярим аср ичида босиб ўтган йўл — пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кураш, «Кўкорол», «Гижиген» воҳаларини шўрдан, тўқайзорлардан ҳоли этиб, экин майдонларига айлантириш, Бўкадан Тошкентга, бошқа шаҳарларга катта раван йўллар очиб, сув ишоотлари барпо этиш каби йирик муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқлигини қайд қилиш ўринлидир.

Бугунги кунда Бўка 36 миң гектарга экин экин майдони бўлган йирик туман ҳисобланади. Жамоа ҳужалиқлари ҳар йили давлатга пахта, шол, дон, галла, сабзавот етиштириб бermoқдалар. Чорвачилик соҳасида ҳам ўзгаришлар томон одимлай бошладик. Утган йили қийин шароитларга қарамай, Саймоқов номи, «Тулистон», «Бўстон», «Туркистон», Бўка жамоа ҳужалиқлари пахта топириш бўйича йиллик режаларини ошириб адо этидилар. Азаматов, Ҳожиमतов номи жамоа ҳужалиқларида ҳам кўп соҳалар бўйича режалар муваффақиятли аёнланди.

Кейинги йиллар ичида саноат корхоналари ишида ҳам сезиларли силжишларга эришилди. Пахта заводи, таъмирлаш корхонаси ва босмахонада завоҳид ўсди. Туманимиз маданий қиёфаси ўзгача гўс олди. Бош майдон тезратигадаги Маданият саройи, универсал мағазин, ресторани, маъмурий бинолар мазмуни, жангилар учун ўрилатилган ёдгорлик, автостанция, Бакт уйи, «Мингчино» боғи марказ чиройига чирой қўшди. Қишлоқларда клублар қурилди. Шифохоналар, 50 та мактаб, 56 та боғча, ҳўнар-техника билим юрти, механизациялаш техникуми, кутубхоналар, маънавий кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматиди. Бу жойларда ўлкашароитга маданий тадбирлар мазмуни яхшиланди. Фахрийлар таваллудларини нишонлаш, илҳор оилаларнинг фарандозларини, етим болалар уйлариини ўтказиш анизага айланб қолди. Худудимиздаги вилоят болалар уйи ҳар томонлама

гамхўрлик билан қамраб олинган.

Президентимиз фармонлари ва мустақиллик тўғрисида шаклланган янги ҳаёт тарзи, иқтисодий ислохотлар қўяётган талаблар асосида туманда амалга оширилган тадбирлар ҳам анчагина. Барча транспорт воситалари учун йилга 200 миң аккумулятор бераётган «Узурракумаш» қўша корхонаси, Гаффор Азаматов номи жамоа ҳужалиғида ойига 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараётган, 120 нафар аёли ишга жалб этган «Ақбар» кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Туманда консерва заводи, 500 ишчи ўринли ил йигирув фабрикаси қад кўтармоқда.

Қишлоқ ҳужалиғида ислохотлар бирмунча жадаллашди. Икки йил ичида Президентимиз фармонлари асосида уй-жой қуриш учун 832 гектар, томоққа участкаси учун 1242 гектар, 121 деҳқон фермер учун эса 3661 гектар ер ажратиб берилди.

Биз бугунги кунда зақат ютуқлар ҳақида гапирмасдан, камчилиқларимиз мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз керак. Бу кўпроқ чорвачилик, аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлашдаги қийинчиликларда кўзга ташланади. Бу борада шаънинимизга республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги бидирган низоҳтда адолатли тақдирлардан кейин ишга жиддий киришдик. Қишлоқларини газлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ичимлик суви билан таъминлаш режалари ишлаб чиқилди.

Утган йиллар тарихий сопоносига назар солар эканмиз, бу давр инсон қадрияти билан боғлиқ мушкул муаммолардан холи бўлмаганлигини кўраимиз.

Гап Галла гуруҳи, «пахта иши» билан бошимизга тўхмат тошини ёдирган кезлардаги Бўкалик қатор заҳматқашлар тақдирини ҳақида бормоқда. Бу тўғрисида сўзку чангали ўнаиб беғуноҳ кадрларимизни мусибатли кунларга қўйган эди. Истиклол тўғрисида ҳақиқат рўёбга чиқди. Кўп йиллар мобайнида жамоа ҳужалиқлари раислари бўлиб ишлаган А. Қурбонқулов, И. Анорбоев, Х. Абдиев, Ж. Аннаевлар адолат тиланган, яна оқланб, бир неча йил раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Ҳозир бу стоконлар пенсияга чиқиб, дам олишмоқда. Жамоа ҳужалиқлари раислари бўлиб ишлаган Ш. Валижонов «Дўстлик» фермер ҳужалиғида раис, М. Пўлатов «Ҳўжақўрган» жамоа ҳужалиғи раиси муовини сифатида обрў-эътибор қозонмоқдалар. Марҳумлар С. Саймоқов, З. Исоқов ва бошқалар ҳам еруғ юз билан ҳаётдан кўз юмдилар. Биз бу раҳбарлар ва уларга қисматдош бригадирлар, звено бошлиқларининг сабр-тоқати, иродаси, эл-юртига садоқати олдига таъзимдаимиз. Ана шундай кишиларнинг жасорати, мардлиги, меҳнатга, ҳалқига садоқати Бўкаликларни бу йил ҳам янги марраларга руҳлантирмоқда.

Албатта, тўй йилининг меҳнати шунга яраша бўлиши керак. Туманимизда барча жамоа ҳужалиқлари, саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ходимлари кўтаринки кайфиятда иш бошладилар. 16 миң гектар ерга чигит уруғи ташланган эди. Улар уйиб чиқиб, даладарини яшиллик қоплади. Галла, беда, сабзавот парвариши ҳам маромида олиб боришмоқда. Бошқа экинчилар экиб олишга ҳам жадвалик билан киришдик. Бу йил галлазор 8 миң гектарга етказилди. Олма, узум боғлари майдонларга кенгайди. 1110 гектарни ташкил этди. Кўпроқ эътиборимиз чорвачилик борасидан йўл қўйилган камчиликларини бартараф этишга, фермаларини ҳусусийлаштиришга қаратилмоқда.

Биз бундан бун ҳам куч ва гайратимизни Президентимиз фармонларини бажаришга, долзарб муаммоларини ҳал этиш боришга сарфлайверамиз. Иқтисодий ислохотларни илчил амалга ошириш, йилни барча соҳаларда муносиб янқулаш бош максимиз бўлиб қолади. Фидокорона меҳнатимиз билан Республикаимиз, вилоят ва туманимиз маъқени оширишга интилавераимиз.



БУГУНГИ Бўка тумани ҳаётидан лавҳалар. Д. Аҳмад олган суратлар.



ОТАСИГА РАҲМАТ!

ЭЛГА қайишадиган раҳбарни одамлар дарров билиб олишади. Чунки, унинг дили билан тили бир бўлади. Далада 40 йилдан ичида кўп раисларни кўрдим. Перенек, Лисенко, Бобоҷонов, Абдураунов, Меҳнат Қаҳрамон, Тўхтасин Бобоев, Турсун Каримов, Аҳмад Иномов, Уроқ Жарқинбоевлар илгари Мичурин номи билан аталган жамоа ҳужалиғимизни бошқаришган. Уларнинг ҳар бири деҳқон турмушини яхшилаш йўлида меҳнат қилиб келишди.

Чўнтак бақувват бўлгандан кейин, ободончилик ҳам бўлаверар экан. Қишлоққа сон кирди-қўйди. Утган йили ҳўжалик бюджетидан деҳқонларга 95 та янги замонавий уй-жой қуриб берилди. 7-8 километр йўл асфальтланди. Мавжуд иккита мактаб енига яна битта янгиис қушилди ва ўқувчилар бир сменада ўқийдиган бўлдилар. Боғчаларда болалар учун тўла шарт-шароитлар яратилди.

Бундан етти йил аввал бизга Ўсар Исмонов раисликка сайланган, кўпни кўрган деҳқонлар «Отасига раҳмат, раис деган мана бунақа булар экан!» дейдиган бўлишди. Раҳбар ишни ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Бақирқ, чақирқ йўқ, Бировни ранжитиш йўқ, одамларни тўплаб «Биз ҳаммамиз бир оиламиз, қайси оила емон яшагиси келади, бир еқадан бош чиқарсак, рўзгоримизга барака кирди, бола қақамизга замин яратамиз, қишлоғимиз қиёфаси ўзгаради» дея гапирди.

Шу ўзгаришларни кўриб туриб, ҳўжаликка меҳнатни сингитан биз қариялар Қурумбой Турғунов, Эрмеков Расулов, Карима Турғунова, Урин Исоқов, Ойша Абдумўминова ва бошқалар ўтирсак, турсак ҳам раисни дуо қиламиз. Умридан барака топсин!

Одамлар ишга шижоат билан киришишди. Раис пахта билан бирига дон, шол, сабзавот, полиз экишга ҳам даъват қилди. Икки йил ичида деҳқонлар рўзгорини ўзгариш бўлди. Даромад кўпайган, йўллар тузатилди. Янги клуб, барча қулайликлари бўлган шифохона қурилди. Беморларга хизмат кўрсатиш учун машина ажратиб қўйилди. Ҳўжаликда барча соҳалар бўйича режалар ошириб бажарилиши одат тусига кирди.

Утган йили давлатга 2330 тонна пахта, 150 тонна шол ва бошқа маҳсулотлар топиридик. 65 гектар буғдойнинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил олинди. Бу йил эса галла майдонлари 300 гектарга яна кенгайди. Бундан ташқари, сабзавот, полиз, қартоқча, шол етиштирилади. Барака ҳалол учун машина ажратиб қўйилди. Ҳўжалигимиз аъзолари аҳил. Кўзлаган мақсадимизга албатта, етамиз. К. ОРЗИҚУЛОВ, меҳнат фахрийси.

Маданият

Ҳаваскорлар сони ортди

СЎНТИ йиллар ичида туман маданий муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар мазмуни бойиди. Маданият саройи, учта қишлоқ маданият уйлари, 12 та клуб аҳолига бир неча йиллардирки, хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларга жалб этилган бадий ҳаваскорлар сони 900 нафардан ошиб кетди. Маданият саройидаги ҳамда клублардаги бадий ҳаваскорлик тўғрисида кўп қўшақчиликларга қўйиб, Галаба ва кўшиқча чин илхос қўйган ешлар, дала меҳнатқашлари жалб қилинмоқда. Бу маданий даргоҳ қошидаги «Дугоҳ», «Сарбоз» бадий дасталари Бўка туманидан ташқарида ҳам ўз концерт дастурлари билан эътибор топишган. Яқинда «Дугоҳ» дастаси Қибрай

Муносиб

МУНОСИБ ТУҲФА

КАТТА тўй арафасида туман марказий шифохонаси қошида мустақил 60 ўринли туғуруқхона бўлими очилди. Унда она ва бола учун барча шароитлар яратилган. Умуман бу йил туманда она ва бола саломатлиғига эътиборни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилди. Шифохонада фаолият кўрсатаётган соғломлаштириш бўлими, тумандаги 3 та участка шифохонаси, 11 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва бир қатор кундузги шифохоналар ходимлари бу борада сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Тиббиёт

Эл соғлиғини сақлашни ўзининг чин бурчи деб билган салкам икки миң врач ва ўрта тиббиёт ходимлари беморларга бўлган муносибатда маъсулиятларини оширидилар. Дори-дармон танқис бир пайтда муомала маданиятига алоҳида эътибор берилди — деҳди марказий шифохона бош шифокори муовини Тўлқин Гуломов, — барча даволаш муассасаларида шифокор муомала маданияти мавзуда суҳбатлар бўлиб ўтди. Марказий шифохона бўлимининг бошлиқлари Н. Шодмонов, Ҳ. Ваҳобов, М. Эшонов, М. Мирсолиқова каби нажоткорларнинг бу борадаги фаолияти ешларга ибрат мактаб бўлмоқда.



ЙИЛЛАР ўтиши билан умр босқичлари тарихга айланади. Сиз суратда кўриб турган бу кишилар номи Бўка тумани тарихи зарварларидан муносиб ўрин олган. Суратчи А. Абалан 1970 йилда уларни тасвирга туширар экан, тарих ҳақида ўйламаган бўлиши мумкин. Аммо бугунги кунда унинг ижодий маҳсулоти ўзгача мазмун ва эътибор билан катта аҳамият касб этатганлиги шубҳасиз.

Халқ таълими

ҲАМКОРЛИҚДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН

КЕЙИНГИ йиллар мобайнида Бўка тумани халқ таълимида ҳам маълум даражада ўзгаришлар рўй берди. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, табақалаштирилган тарзда дарс беришни ташкил этиш, илгор талабаларни вилоят, республика олимпинадаларига жалб қилиш борасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, тумандаги 50 та мактабнинг аксариятида фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш усули қўлланилмоқда, 3, 5, 8, 34, 48-мактабларда инглиз тилидан худди шу йўсинда дарс берилаётган.

Турли мукофотларга сазовор бўлдилар. 8-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Х. Эшбоева эса Адлия вазирлигининг фахрий ерлиги билан тақдирланди. Мактабларда билим олаётган 20 миң нафардан кўпроқ ўқувчилар орасида спортга илхос қўйганлар йилдан-йилга орғиб бораётганлиги кўнчоланди. Айни вақтда туман халқ таълими бўлими билим, спорт ва тарбияни ҳамоҳанг тарзда олиб бормоқда. Бу борада у аниқ режаларга эга. Тарбия ишлари «Мактаб — маҳалла — оила» йўсинида йўлга қўйилган. Бу эса ижобий самаралар беришини тажриба кўрсатди.

Ф. АЗИМОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси маълум ходими.

Вилоятимизнинг бошқа худудларидаги каби Бўка туманида ҳам адабиётни жон-дилдан севган, ўз қобилиятларини бир қатор жанрлар бўйича синаб кўраётган қаламжашлар анчагина. Биз туманинг ярим асрлик тўйи олдидан улар билан учрашдик. Қўйида бўқалик истеъдод эгаларининг ижодидан намуналар ўқийсиз.

РустамҲожи ХУДОЙКУЛ ўғли

ҚЎМСАБ КЕЛДИМ, ОНАЖОН!

(Бадиа)

ОНАИЗОРИНИ байрам билан қўтламоққа шошилиб бораётган биродар, сенга чин дилдан ҳавасим келади. Нақадар бахтли эканингни билармикансан? Олган совғасидан кўнгли тўймай бораётган азизим, тақдир талеидан бошингга тож кийдирганини англамикансан? Ахир онажонинг совға эмас, кўргани борганини ўзи буюқ қувонч эмасми? Волидан муҳтарамингни бағринга босишдан, юз-кўзларидан ўпишдан ийманма. Унинг исларига тўйиб-тўйиб қол, дўстим. Чунки, оналар бизлар катта бўлганимиз сари кичрайиб биздан аста-секин йироқлашиб бораверадилар, кейин худди қуёш ботгандайин бирдангига умр уфқига сингиб кетадилар, елвориб чопганинг билан ҳеч қачон етолмайсан...

Уй сўраётган бўларканман. Энди булар хотира бўлиб қолди... Сизни соғиниб шунчалик йиғладимки, ундан кўра ўша кезларда беланчада етганда бот-бот йиғлаб, жазирмада сизни дам олдирам бўлмасинди. Бугун негизди ўша ҳикоятини эслаб кабрингиз тепасида шёр ўқитим келди:

Онажоним, алла айтгин. Мен бўлайин чақоқ. Кўтарилсин яна қайта йиғлади, деб қўқ байроқ. Шу баҳона юзингизга Юзим сийлаб олайин Тўйиб малҳам сўзингизга Меҳрингизга қонайин. Тонг еришмай, хўп энтикиб. Йўл чопган онажон. Байроқчага кўзин тикиб Кўзи толган онажон. Орта қолди беланчакни Тўтга, толга ошиллар. Йўл бетига ботиб чангта. Тик термулиб етишлар. Ўз эркимиз қўлимизда, Ўзгармоқда замона

ЎЗБЕКИСТОНДИР

Турк юртига келса бастор малҳамки жондир, Ўзбек элнинг лисони — ажиб забондир. Боғларига боқсанг қиё гўлгуни ашанган. Меваларин лаззати якто жажондир. Меҳнат ботида асно қолмағай панд еб, Зафар қучмоқ қонида бор, чўнг пахлавондир.

Кўнра тарих жаҳасида салмоғи тенгсиз, Жаҳон тан олган Темулга бу юрт макондир. Қадоқ қўллар юмушданги тақсига лойик, Кўп фидойи меҳнатингдан юрт фаровондир. Мард бу элнинг гурури бор, эътиқоди бор, Шу элимга муҳаббатим олам-жаҳондир. Шўрқ Худованди қарим берди истиклол, Халқим руҳи баланд, дил чарогондир.

Куйлаш насиб этди бугун Шайдога мадҳин. Етти иккилгма белгили ҳур Ўзбекистондир.

Ахмад ШАЙДО, Жамбул номи жамоа ҳужалиғи бош ҳосилоти.

ТИЛАГИ ОҚ ДЕҲҚОНИМ

Саҳоватли заминда эътиқод — имон ўзинг Меҳнатсевар ҳокисор-камтарин инсон ўзинг. Заҳматларга бардошли жўшган қайноқ кон ўзинг Янвзо еқан ёмгирдан тоқати тоқ деҳқоним. Офтоб билан сулбатдош, нурга чанқоқ деҳқоним!

Меҳрингни тўкиб ерга умрингни фидо қилдинг. Жазирама чўлларда чаман ибтидо қилдинг. Селу дўл бўлган чоғлар пиноҳона нидо қилдинг. Маънақатли юмушдан кўли қадоқ деҳқоним. Пахтасандай қалби пок, тилаги оқ деҳқоним!

Йилли гўзалар узра парванасан уззуқим. Неки бўлса даламда ҳамхонасан уззуқим. Хосил учун өз бўйи хўп енасан уззуқим. Ҳар фаслинг сирдоши, йилга қўноқ деҳқоним. Вақдасига вафодор, бахти порлоқ деҳқоним!

Элнинг бонс доврўгини кўп элларга кетгандир. Масоратинг, шўдратинг Машириққа ҳам етгандир. Уяғам «олтин эрмон»инг булуддан-да ўтгандир. Дорилмон кун келди, сема чароқ деҳқоним. Эл йўлини ериган еруғ чироқ деҳқоним!

Аждодларинг тер тўқкан турқона ер хур бўлди. Апплар авлоди-халқим шодоман — мағрур бўлди. Маҳдинга ашор битиб Ориф масрур бўлди. Мустақиллик ер элда кўрғани тоғ деҳқоним. Бўкадаги қувончдан димоғи чоғ деҳқоним!

Орифжон ПЎЛАТ.

АРЗИГАЙ ШАЪНИНГГА БИТСАМ

Фахр етарман сен билан тўпроқлари олтин Бўкам, Бойлигини мўл — пахта, пилла, чорва ҳамда дон Бўкам. Кенг далаю, Боғларингда жон-дилдан тер тўкиб, Халқинг урғай Мустақиллик шавақига жавлон, Бўкам. Орта қолди сен туғилган жанговар, суронли йил, Бағридан ер берди Пискент, қўшни Оққўрғон Бўкам.

Ҳўшабар тарқалди энда: «Бўка 50 ешда» деб. Эллигиди шер йиғидай қучли, навқирон Бўкам. Шодина, бугун авжида, файли байрам кунлари, Чор тарафдан қўтламоққа келди кўп меҳмон Бўкам. Оғушингда қайнағай, тонгдан ҳаёт то шомга. Арзигай шаънингга битсам қапта бир дoston Бўкам. Кекса қалбим гўрда шодлиқдан илҳом жўш уриб, Езда тўйга туғфа деб, ушбу шўьрини Арслон, Бўкам!

Арслон УМАРОВ. Д. ҚОСИМОВА, марказий шифохона бўлими бошлиғи. Саҳифани Тошкент ҳақиқати нинг махсус муҳбирлари Носир РИХСИЕВ ва Саидвали ХАСАНОВлар тайёрладилар.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМ-ЛАНМОҚДА

Вилотимизнинг Юқоричирчиқ ва Жанубий Қозоғистон вилотининг Тулкибас туманлари меҳнаткашлари ўртасида биродарлик алоқаси давом этиб келмоқда. Ўтган жума кунини қозоғистонлик дўстлар Юқоричирчиқ туманига ташриф буюрдилар. Тулкибас тумани ҳокимининг биринчи муовини Қосимбек Холмирзаев бошчилигидаги меҳмонлар «Гулстон» жамоа хўжалигининг иссиқхонаси, пиез қуритиш цехи, Яссавий номи жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг дала ишлари, кичик корхоналари фаолияти билан танишдилар.

Бадий хаваскорларнинг чиқишларидан меҳмонлар хушнуд бўлдилар. Айниқса, «Олдўст» қозоқ ансамблининг чиқишлари меҳмонларга етди. Икки туман ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этаверади.

С. АБДУЛЛАЕВ.



• «Кибрай» пивоси.
• Янги ичимлик шу ерда тайёрланади.
Ф. Қўрбонбоев (ЎЗА) тасвири

«ЗАРРИН ЯПРОҚЛАР»НИНГ ҚЎШАЛОҚ ТЎЙИ

Бундан бир неча йил аввал Янгийўл шаҳар маданият ишлари бўлими ташаббуси билан «Заррин япроқлар» фольклор-этнографик дастаси ташкил қилинган эди. Унинг раҳбари Карима ая Раимжоновна ўтган вақт мобайнида астойдил ҳаракат қилиб, атрофга бир қатор санъатсевар онахонларни тақлиф этди. Бадий даста учун махсус дастур ишлаб чиқилди.

Шу йиллар ичида мазкур даста вилотимизнинг қатор шаҳар ва туманларида бўлиб, сермазун, марокли концертлар уюштирди. Унинг дастурини ўрин олган бой маданий меросимизга оид қўшиқлар, миллий кадриятларимизни ифода этувчи дала парлар томошабинларда кизиқиш уюғиб, обрў-этибор қозонди.

Кейинчалик вилотимиз шаҳар ва туманларидаги кўриқларда, тантанали тадбирларда ижро этилган қўшиқлар, рақслар зое кетмади. Беш йилдири, бу жамоа «Халқ фольклор дастаси» номи билан аталади. Унинг дастури тобора бойиб бормоқда.

Яқинда «Заррин япроқлар» Янгийўл шаҳридаги марказий маданият уйида ўзининг 10 йиллигини ҳамда бадий раҳбар Карима ая Раимжоновна таваллудининг 70 йиллик тўйини кизгин нишонлади. Унда Тошкент вилоти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солихов иштирок этиб, даста иштирокчилари ва уларнинг раҳбарини кўш сана билан қутлаб, самимий ни-ятлар билдирди.

Кеча сўнгида «Заррин япроқлар» ижрочилари янги дастур билан қичиб, қатнашчиларни мамнун эт-дилар.

Ш. ОБИДОВА.



СПОРТ БАЙРАМИ

Яқинда республика ногиронлар жамғармаси «Инваспорт» базасида Галаба кунини ва Халқаро Қизил хоч ҳамда Қизил ярим ой жамияти кунига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди. Байрам дастури асосида стол тенниси, футбол, оғир атлетика, волейбол, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилди. Шунингдек, «Матонат» клуби аъзоларининг автомашина ва ногиронлар аравачаларида пойғаси бўлди.

А. ШУКУРОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Шаҳрисабзда уч ҳафта давом этган шохмот бўйича Ўзбекистон биринчилиги низоисига етди. 15 имкониятдан 11 очко тўплаган чирчиқлик Михаил Салтаев «Ўзбекистоннинг 1994 йилги чемпиони» медалини қўлга киритди. Иккинчи ўринни самарқандлик Шухрат Сафин эгаллади. Тошкентлик 14 ёшли Рустам Қосимжоновнинг Халқаро шохмот устаси талабларини бажаргани айниқса қувончли бўлди.

(ЎЗА мухбири)

Шифокорлар огоҳлантиради

ҲАЕТДА шундай ҳоисалар бўладики, инсон унга етарли эътибор билан қарамайди. Натижада бу бепарволик туфайли олдин олиш мумкин бўлган касаллик оғир фожеага олиб келади. Кейингиси эса кеч бўлади.

Шу йили вилотимизнинг Пискент ва Қибрай туманларида М. ва Э. номи фуқаролар 24 ва 70 ёшларида қутуриш касаллигиндан нобуд бўлдилар. Буларнинг бирини дайди ит, иккинчисини эса қариношларининг ити тишлаган эди. Бу ҳоисалар тўғрисида улар шифокорларга билдиришмади.

Қутуриш — ин ониятта жуда илгари замонлардан бери маълум бўлиб, қийин кечадиган юқумли касалликдир. У марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши туфайли содир бўлади. Бунда қўзғалиш аломатлари ва кейинчалик фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди. Бу касалликни қўзғатувчи фальтерловчи вирус бўлиб, уни фақат электрон микроскоп ердимидагина кўриш мумкин. Қутуриш касаллигига асосан одамлар, барча сўт эмизувчи ва иссиққонли ҳайвонлар дучор бўлади.

Одамга бу касаллик кўпинча қутурган ҳайвон қопганда, тишлаганда, шунингдек, унинг сўлаги янги ярага ва хатто терининг тирилган, кесилган ерларига еки кўз, бурун шиллиқ пардаларига тушганда, тасодифан одам қутурган ҳайвоннинг терисини шилганда хатто сўлак теккан нарсаларга у суялганда ҳам юқиши мумкин.

Ваҳоланки, шундай экан, ҳозирги кунда вилотимизнинг Бекобод, Юқоричирчиқ, Паркент, Тошкент, Охангарон, Бўстонлик, Оққўрғон туманларида ва Бекобод шаҳрида, ҳайвонлар, айниқса, итлар орасида қутуриш касаллиги кўпаймоқда. Бу эса аҳоли орасида ити тишлаган жабрланганлар сонининг ошиб кетишига ва фуқаролар орасида қутуриш касаллигининг келиб чиқишига

сабаб бўлмоқда. Қутуришни даволаш учун ҳозирча самарали усуллар топилаётган йўқ.

Хуш, одамни ҳайвонлар, айниқса, итлар тишлаганда, қутуриш касаллигига дучор бўлмалик учун нималар қилиш керак? Энг аввало, ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб, йод эритмасини суртиш, кейин стерилланган тоза бинт (дока) билан боғлаб, дарҳол вақтни бой бермай, шифокорга мурожаат қилиш лозим. Ўз вақтида ва

лозимдир. Агар ит хонадон аъзоларини еки қўни-қўшнилари тишлаб олса, бу тўғрида дарҳол ветеринарларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Вилотимизда ҳар йили 7-7,5 минг киши ҳайвонлар, асосан, итларнинг тишлашидан жабр кўрмоқда. Уларга ўз вақтида ердан кўрсатиш, қутуришга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан катта маблағлар сарфланмоқда.

Вилотда ҳайвонлар ва одамлар орасида қутуриш касаллигининг аҳоли ва унга қарши олиб бориладиган чора-тадбирларнинг

ХАВФЛИ ДАРД

мунтазам тиббиёт ходимлари томонидан ўтказилган эмлаш ишлари одамни ўлимга дучор қиладиган қутуриш касаллигидан сақлаб қолишда бирдан-бир воситадир. Чунки, бу касалликка учраган одамни даволаб бўлмайди. Фақатгина шундай йўл билан асоратининг олдини олиш мумкин, холос.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, эмлаш ўтказилган даврда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, эмлаш тартибини бузиш, ундан бош тортиш ҳеч вақт яхшиликка олиб келмайди ва бундай муносабатлар қатъиян ман этилади.

Ҳайвонлар, итлар, мушуклар билан ортиқча алоқада бўлишдан сақланиш, айниқса, болаларни ҳайвонлар билан уйнашга йўл қўймалик ҳам бу касалликка қарши қурашда асосий омеллардан бири ҳисобланади. Ит кўчага ўйнаш учун олиб чиқилганда, оғизга махсус бурундўқ тақиб, калта чилвирда олиб юриш тавсия этилади. Уйда боқиладиган барча итларнинг рўйхатдан ўтказиш, уларни вақти-вақти билан ветеринария кўригидан ўтказиб туриш, қутуриш касаллигига қарши эмлатиш ва тегишли паспорт олиш

бажарилиши, қўтарилган муаммонинг жуда ҳам долзарб эканлигини ҳисобга олиб, бу масала вилот эпидемиология қарши факультетида комиссиясининг кенгашида ҳар томонлама кўриб чиқилди ва қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Барча шаҳар, туман ҳокимларига, вилот миқдоридаги ташкилотлар раҳбарларига, давлат ва жамоа хўжалиқларининг раисларига, қишлоқ ва қўрғон кенгаши оқсоқолларига, овчилар уюшмаси, тиббиёт, ички ишлар бўлими ходимларига бундай қўшимча чораларни бажариш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Т. ЗУПАРОВ, Тошкент вилоти санитария-эпидемиология станцияси ўта хавфли касалликлар бўлими муdiri.

Р. БАҲРОМОВ, вилот санитария-эпидемиология станцияси ўта хавфли касалликлар бўлими шифокори.

Мухаррир Н. НАСИМОВ

ХУШ КЕЛИҲСИЗ!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ХУНАР-
ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ КОМПЛЕКСИ 36-ХУНАР БИЛИМ ЮРТИ
1994-1995 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСПИКЛАР
БУЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУП ҚИЛАДИ**

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилди), ўқиш муддати - 1, 5-3 йил.

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси ва дурадгор мутахассисликлари берилди) ўқиш муддати 1,5 - 3 йил.

ФЕРМЕР-ҲСИМЛИКЧИ (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, "В" ва "С" тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилди) ўқиш муддати - 1, 5-3 йил.

ТЕЛЕВИЗОР ВА РАДИО ТУЗАТКИЧ ЦЕМАЛАРИ ТАЙЁРЛОВЧИ ҚИЛЛИК ОЛТИ ОЙЛИК ҚУРС ТАЖЖИЛ ТАЪЛИМИ. Хужжатлар 1994 йилнинг 10 августигача қабул қилинади. Ўқувчилар 1994 йил 16 августдан ўзбек тилидан (диктант), биологиядан (тест) касби бўйича имтиҳонлар топирилади.

Билим юртига 9-11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Уч йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақидаги хужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилди.

1,5 йиллик фермер гуруҳларига армия сафидан қайтган йигитлар қабул қилинади. Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутухассислик бериб борилади. Уч йиллик гуруҳ ўқувчилари тўла курсни тугатганларидан сўнг тўла маълумот ва фермер мутахассислигига эга бўлади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва стипендия билан таъминланадилар. Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш амалиёти республикамизнинг фермер хўжалиқларида ўтказилади. Имтиҳонларни "яхши" ва "аъло" баҳоларга топириган ўқувчилар ҳорижга жўнатилади. Ўқиш муддати иш стажига қиради.

36-хунар билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ва спорт секциялари мунтазам ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги хужжатлар қўшиб топирилади:

- ✓ тутилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт;
- ✓ маълумот ҳақидаги гувоҳнома (асли);
- ✓ турар-жойидан маълумотнома;
- ✓ отаси ёки онасининг иш жойидан маълумотнома;
- ✓ олти дона (3х4 ҳажмида) сурат;
- ✓ 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Маълумотлар 1 сентябрдан бошлади ва фақат ўзбек тилида олиб борилади. Хужжатлар ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 8.00дан 16.00гача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилоти, Қибрай тумани, "Геофизика" кўрмаси / М. Тўрқий мейдон - Шўъба автобустини "Геофизика" бекети, ёки 21, 49, 63, 73, 112 - автобусларнинг охири "1-Корпус" дастаси бекети.

Маълумотлар учун телефон: 64-31-34.

Тошкент вилояти
Муассис:
Тошкент вилояти
ҳоқимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700000, Тошкент,
ГСП, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОН:
хатлар ва оммавий
ишлар бўлими -
334-048

Рўйхатдан ўтиш тартиби N 8.
Бюртма Г—893. 20970 нускада
босилди, ҳажми — 2 босма
табоқ, Офсет усулида босилган,
қозғ бичими А—2

- Ўзлон ва бадирзулар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
- Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
- Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.